БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 277 (17.261). ● 5 декабрь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Учинчи беш йиллиннинг учинчи йили тугай деб қолди, унинг тўртинчи йили яқинлашмоқда. Шу ваҳт ичида совет кишилари жуда яхши меҳнат қилдилар. Советлар мамлакати улкан муваффақиятларга эришди. Ҳали жуда катта вазифалар ҳал этилиши лозим. Истиқболларимиз порлоқ ва қувончли.

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленумида ва тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессиясида айни шулар ҳақида — экономикадаги ишларнинг умумий аҳволи, беш йиллиннинг уч йили якунлари ва унинг тўртинчи йили режалари тўғрисида, бундан буёнги истиқболлар, партия билан халқ олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳақида гаплашиб олинди. Пленум ва сессия қарорлари партия сиёсатининг илмийлигини, чуқур ва атрофлича асослангинлигини яна бир карра кўрсатди. Бу қарорлар партиянинг Ватан иқтисодий ва маънавий бойлигини, унинг мудофаа қобилиятини ўстиришдан, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишдан, Ер юзида халқлар тинчлиги, дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан бошқа фикри, бошқа мақсади йўқ эканлигини яна бир карра кўрсатди.

Марказий Комитетнинг Пленуми ва олий ҳокимият органи СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Тегишли қарорлар, қонунлар қабул этилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев чуқур мазмунли, ёрқин нутқ сўзлади.

Утган уч йил мобайнида кўпгина иш қилишга, кўпгина нарсаларни яхши томонга ўзгартиришга муваффақ бўлинди. Совет кишилари коммунистлар партияси раҳбарлигида партия XXV съезди қарорларини бажариш учун қунт билан ишламоқдалар, жўшқин, мазмундор ҳаёт кечирмоқдалар. Партиянинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги йўли тўғрилигига аминдирлар. Кейинги уч йилнинг ўзида қилинган ҳамма ишлар бизнинг тўғри, ленинча йўлдан бораётганимизга бўлган ишончни қучайтирмай қола олмайди, деди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда.

Халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари экономиканинг пойдевори эканлиги маълум. Шу йиллар ичида бу фондлар анча кенгайтирилди ва янгиланди, 195 миллиард сўмлик миқдорда ўсди ва шу йилнинг охирига бориб бир триллион сўмликка етади. Юзлаб янги корхоналар қад кўтарди, улар орасида Новолипецк заводидаги домна печи, КамАЗнинг биринчи навбати, Европада энг катта Запорожье ва Углегорск ГРЭСлари синглари азим саноат корхоналари бор.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси мустаҳкамланмоқда. Уч йил мобайнида қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг энергия билан таъминланиши 25 процентдан зиёд ортди. Қишлоқ хўжалиги 230 миллион тоннадан ортиқ минерал ўғит, тўрт ярим миллион гектар заҳи қочирилган ва суғориладиган янги ер олди. Ана шуларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг чинакам қаҳрамонона меҳнати билан бирга қўшилиб, 1978 йилда мислсиз мўл галла — 235 миллион тонна дон берди! Картошкачилар ва пахтакорлар яхши ишлашди, чорвачиликдаги ишлар яхшиланди.

Хўжалик қурилишидаги муваффақиятлар асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси кўтарилди. Аҳолининг пул даромадларини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар тўла-тўкис бажарилди. Чакана товар оборотн 30 миллиард сўмдан зиёд ўсди, маиший хизмат ҳажми деярли чорак баравар кўпайди. 6,5 миллионтага яқин шинам квартира, кўпгина мактаб, болалар боғчалари ва яслилари, маданият муассасалари, касалхоналар қурилди.

Хуллас ўнинчи беш йиллиннинг уч йили мобайнида мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барча соҳаларида анча олга силжиди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати муваффақиятларимизнинг гарови бўлди.

Партия эришилган муваффақиятларни муносиб баҳолаш билан бирга, камчиликлар, қийинчиликлар, танг жойлар борлигини ҳеч қачон яширган эмас. Камчиликларни таҳлил этиш доимо партия учун ишни яхшилашнинг ким босқичи бўлиб хизмат қилиб келди ва хизмат қила беради. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ҳам шундай бўлди, унда ўртоқ Л. И. Брежнев экономикамизнинг партия, совет ва хўжалик органлари алоҳида эътибор бериши лозим бўлган соҳаларига тўхталиб ўтди.

Айрим турдаги ресурслар, аввало металл ва ёқилғи камчиллиги ҳамон сезилиб турибди: капитал қурилишдаги иш суст яхшиланмоқда, бу соҳада «чала қолган» ишлар ҳажми кўпайди; транспортда, аввало темир йўл транспортида қийинчиликлар бор; баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса гўштга бўлган эҳтиёж тўла-тўкис қондирилмаяпти. Партия қарорларида экономиканинг шу тармоқларидаги камчиликларни тугатишнинг асосий йўллари белгиланди. Бу йўллар орасида бутун куч-ғайратни халқ хўжалигининг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга, металлургияни, ёқилғи ва химия саноатини, энергетикани, машинасозликни, транспортнинг ҳамма тармоқларини ва бошқа тармоқларни янада ривожлантиришга қаратиш масалалари бор. Капитал қурилишдаги ишларни яхшилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга солиш ва ўзлаштиришни таъминлаш, қуч ва воситаларнинг кўпдан-кўп қурилишларга сочиб юборилиши, чала қолган қурилиш ҳажмларичинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг кўпайиши ҳолларига қарши қурашни кучайтириш юзасидан кескин чоралар кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қосилдорликни ҳамда чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширишга, ялпи дон га бошқа экинлар ҳосилини, гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтиришга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планларининг бажарилишига эришиш лозим.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш халқ хўжалигининг энг муҳим проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш учун бутун кучни ишга солиш лозим.

Иш самарадорлиги ва сифати учун курашни кучайтириш — 1979 йилдаги, шунингдек бундан кейинги йиллардаги энг муҳим вазифадир. Бу кураш, дейилади Пленум қарорида, кенг жабҳа бўйлаб — саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, қурилишда ва экономиканинг бошқа тармоқларида, ишлаб чиқариш ҳамда бошқаришнинг барча бўғинларида олиб борилиши керак. Меҳнат унумдорлигини оширишга, фан ва илғор тажрибага ютуқларини, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга, камроқ чиқим қилиб маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва техникавий савиясини ошириш учун мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солишга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Пленум экономикани ривожлантиришнинг интенсив омиллари, бутун куч-ғайратни а а шу омиллардан янада тўла-тўкис фойдаланишга қаратиш тобора зарур бўлиб қолаётганлигини таъкидлади. Иқтисодий ривожланишни интенсивлаш ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини кўпайтириш, шу натижаларга эришишнинг энг самарали ва тежамли йўлларини қидиришни: фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, янги илмий ғоялар ва техникавий ечимларни доимо излашни, олимларнинг кучғайратларини халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим соҳаларига жамлашни; меҳнаткашларнинг билим даражаси ва амалий малакасини оширишни; хўжалик юритиш ва бошқариш методларини яхшилаш, ишда уюшқоқлик ва баҳамжиҳатликни ҳамма жойда мустаҳкамлашга эришишни билдиради.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига қаттиқ риоя этилишини таъминлашлари лозим. Бир маромда, аниқ ишлаш, планни барча кўрсаткичлар бўйича, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш мажбуриятларини сўзсиз бажариш халқ хўжалигининг ҳамма бўғинлари учун албатта қонун бўлиб қолиши лозим. Планнинг ташкил этувчилик ва сафарбар қилувчилик ролини кучайтириш, белгиланган топшириқларнинг бажарилиши устидан мунтазам контроль қилиш, план ва хўжалик органлари амалий ишини партиянинг энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишга оид йўл-йўриклари ўртага қўйган юксак талаблар даражасига кўтариш зарур.

Айниқса қишлоқ хўжалигида жуда катта бўлган хўжасизлик, масъулиятсизлик, нобудгарчилик ҳолларига қарши кескин курашмай туриб, иқтисодий ривожланишни интенсивлаб бўлмайди, ишнинг юксак самарадорлиги ва сифатига эришиб бўлмайди. Нобудгарчиликлар масаласи иқтисодий масалагина бўлиб қолмай, шу билан бирга катта сиёсий масала ҳамдир, бу масала омманинг кайфиятига, меҳнат ғайратига бевосита таъсир қилади. Ҳар бир хўжалик ва партия ходими халқ мулки учун жонкуярлик қилиши керак. Хўжалигимиз ихтиёридаги ҳамма нарсалардан оқилона фойдаланиш биринчи даражали вазифадир. Унумсиз чиқимлар ва нобудгарчиликларни бутун чоралар билан тугатиш, жами моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга эришиш — партия, совет ва хўжалик органларининг бурчидир.

СССР Олий Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани билан СССР Давлат бюджетини бир овоздан тасдиқлади. Бу план — партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда муҳим бўғиндир. У экономикани янада ўстиришни ва унинг самарадорлигини оширишни, индустрия ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Плануинг социал программаси халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтириши, фан, маданият ва маорифни, маиший хизматни ва социал таъминотни ривожлантиришни кўзда тутади. План — партия билан давлатнинг меҳнат аҳли тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги ифодасидир. Шуни айтиш кифоя қиладики, 1979 йилда беш йиллик социал программасининг энг катта тадбирларидан бирини ўтказишни — ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш ниҳоясига етказилади. Натижада ўнинчи беш йилликда 31 миллион кишининг иш ҳақи оширилади.

Энди, лойиҳа планга, план эса қонунга айланган бир пайтда ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир коллектив план топшириқларини ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажариш учун кимлар қилиши лозимлигини аниқ ва конкрет белгилаб олиши бош вазифадир. Партия бутун оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларнинг оғирлик марказн айни шу соҳага кўчди.

Пленум иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий фаолият формалари ҳамда методларини сабот билан такомиллаштириш вазифасини юклади. Навбатдаги хўжалик ва ғоявий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда партия барча бўғинларининг жангговарлик қобилиятини, авангардлик ролини кучайтириш керак. Партия ташкилотлари иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланиш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини янада ўстиришни таъминлашнинг туб масалаларини доимо диққат марказида тутишлари лозим. Қилинган ишни ҳар томонлама танқидий назардан ўтказиб, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил ривожлантириш, камчиликларни қатъиян тугатиш, топширилган иш учун кадрларнинг активлиги ва шахсий масъулиятини кўтариш муҳимдир.

Партия ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг мураккаб комплексини ҳал этишга, коммунистларнинг куч-ғайратлари сарфланиши лозим бўлган асосий соҳаларни белгилаб олишга ҳозир партияда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов кампанияси ёрдам бериши керак. Партиянинг ҳамма бўғинлари шу кампанияда янада кўпроқ сафарбар этилган, янада кўпроқ кучайган ва иш қобилияти ошган ҳолда чиқиши бош вазифадир.

Социалистик мусобақа план топшириқларини бажаришнинг, меҳнатдаги муваффақиятларни кўпайтириш ва кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг синалган, самарали воситасидир. Социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздириб, уни ишлаб чиқариш резерваларини қидириб топишга, юксак пировард натижаларга эришишнинг энг самарали ва тежамли йўлларини излашга, жамики янги ва илғор тажрибалар тез оммалашишига, мусобақанинг ўзи эса қолоқларни илғорлар даражасига етказиб олишга кўмаклашишига қаратиш зарур. Новаторлик, ташаббускорлик, ижодкорлик бўлмаса план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун муваффақиятли курашиб ҳам бўлмайди.

Кишилар қанадар онгли бўлса, улар сиёсий, ғоявий жиҳатдан қанадар кўп даражада билимдон бўлса, иқтисодий қурилиш шу қадар муваффақиятли бориши, ишда томон қиладиган ҳаракатимиз суръати шу қадар тезлашиши маълум. Табиий, Пленум идеология ишини, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолиятини, ташқи сиёсий ахборотни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берди. Матбуотимизда, телевидение ва радиода хўжалик ва социал турмушнинг етилган проблемаларини очиб берадиган принципиал, йирик чиқишлар, ишонтирадиган, жиддий умумлашмалари бўлган материаллар кўпроқ бўлиши зарур. Халқаро ахборот соҳасида ҳаммага маълум гапларни такрорлайвермасдан, фактларни чуқур, далил-исботлар билан анализ қилиш муҳимдир. «Иш сифатини, самарадорлигини ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш — идеология фронти ходимларининг бурчидир», — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг материалларини тушунтириш, пропаганда қилиш, оммани шу қарорларни бажаришга сафарбар этиш — оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги энг муҳим ва энг зарур вазифасидир.

Совет кишилари Пленум ва сессия якунларини, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллямоқдалар. Улар ўз ленинчи партияси тевирасида ҳар қачонгидан ҳам маҳкам жипслашиб, партия режаларини амалга оширишга, коммунизм йўлидан яна бир янги қадам қўйишга азму қарор берганлар.

(«ПРАВДА» газетасининг 3 декабрдаги бош мақоласи).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Навоий райони пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Она-Ватан хирмонига 70400 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 33 центнерга етди. «Зангори кема» капитанлари агрегатлари бункоридан 47,3 минг тонна пахта тўкдилар.

Бу ғалабага «Қизил Ўзбекистон», «Қизил Октябрь», Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Навоийликлар об-ҳавонинг ғанимат дамларидан унумли фойдаланиб, юксак мажбуриятлари ҳисобига пахта топшириқдалар. Айни пайтда неласи йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш тадбирлари ҳам амалга оширилаётир.

* * *

Марҳамат райони пахтакорлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, катта меҳнат галабасига эришдилар. Давлатга 43 минг тонна пахта етказиб бериб, социалистик мажбуриятларни бажардилар. Бу, халқ хўжалик планидагидан 1300 тонна кўпдир. Районда ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнерга етди.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхози заршунослари областда биринчилар қаторида ғалаба маррасини эгаллаган эдилар. Улар 850 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» териб олдилар. Бу, ўтган йилдагидан 5 центнер кўпдир. Ватан хирмонига 3300 тоннадан зиёд дурдона тўкилди. Шонли механизаторлар ҳосилнинг 80 процентини агрегатлар бункеридан тўкиб, ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Суратда: колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турдихон Саттороева мавсумда 300 тонна пахта терган илғор механизатор Абдулҳаким Толиповга голиблик вимпелини топширмоқда.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

СЎНГГИ ГРАММЛАРГАЧА

Колхозимиз пахтакорлари об-ҳаво шароити пахтачилик учун ноқулай келган бу йилги шароитда ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидаёқ ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки центнер кўп — 37 центнердан ҳосил кўтаришди.

Мўл ҳосил усталари раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосил жуда мўл бўлди. Уларнинг коллективлари давлатга пландан ташқари кўп миқдорда пахта топширдилар. Мамажон Ҳайдаров, Баёнқул Раҳмонов, Рашид Раззоқов, Аҳад Қурбонов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 45—47 центнерга етди.

Лекин ҳосилнинг бир қисми ҳали далада турибди. Уни териш ва тайёрлаш ҳудди илгаригидек жадал суръатлар билан давом эттириляпти.

Бу йил кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилган илғор теримчилар шу кунларда катта ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Муҳтарам Усмонова, Тошбиби Қурбонова, Савригул Облоқулова, Рўзингул Раҳмонова каби ўнлаб пешқадам теримчилар ҳозиргача хирмонга 6000-7000 килограммдан «оқ олтин» тўкиб, мусобақада пешқадамлик қилишяпти, ҳар куни 70—80 килограммдан ҳосил теришга муваффақ бўлишяпти. Улар ҳосил йиғим-терими тўла тугаллангунча унумдорликни камайтирмаслик ва яна 500—600 килограммдан пахта теришни мўлжаллашяпти.

Терим уюшқоқлик, юқори суръат билан давом эттириляпти. У сўнгги граммлар ҳам тўла йиғиб олинмагунча тўхатилмайди.

Нарзиқул НАБИЕВ, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз раиси.

УЛКАН «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 4 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ЖИЗЗАХ	0,48	107,42	—	104,46
КАШКАДАРЁ	0,18	107,31	0,25	105,59
БЎХОРО	0,06	104,43	0,08	107,10
НАМАНГАН	0,08	102,52	0,01	108,17
ТОШКЕНТ	0,33	102,35	0,17	100,39
СУРХОНДАРЁ	0,30	102,10	0,45	101,85
ФАРҒОНА	0,16	101,92	0,30	94,45
АНДИЖОН	0,09	100,86	—	104,07
Самарқанд	0,46	99,00	0,28	105,40
Сирдарё	0,54	91,75	0,13	84,56
Хоразм	0,20	86,23	0,16	97,95
ҚҚАССР	0,35	76,67	0,29	76,70
Республика бўйича:	0,25	98,96	0,17	99,58
Шу жумладан нигичка толали пахта				
БУХОРО	0,17	107,36		
Қашқадарё	0,40	97,20		
Сурхондарё	0,66	95,20		
Наманган	0,16	94,64		
Республика бўйича:	0,54	96,76		

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қўйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Навоий райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Умаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раззоқов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Облоев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Пўлатов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Турдиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турсунов.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Ливия миллий нефть корпорациясининг илтимосига кўра совет олимлари ва инженерлари Ливия газ саноатини 2000 йилгача ривожлантиришнинг бош схемасини тузиб чиқдилар.

Ўрта Осиё Табиий газ илмий текшириш институти (Тошкент) директорининг ўринбосари, иш раҳбари М. Орловский бундай дейди: бу схема бир қанча проблемаларни ўз ичига олади. Ливиянинг газ конларини очиш ва саноат учун эксплуатация қилиш, газ транспорт системасини қуриш, қишлоқлар ва шаҳарларни газлаштириш тўғрисида тавсиялар берилган. Энергетика, металлургия, бинокорлик материаллари саноати, химия ва нефть химияси тармоқларини ривожлантириш, минерал ўғит, сунъий каучук, тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун табиий газ ва конденсатлардан ғоят самарали фойдаланиш йўллари белгиланган.

Ливия миллий нефть корпорацияси раҳбарлиги аъзолари яқинда Тошкентга келиб газ саноатини ривожлантиришнинг бош схемаси билан таништилар. Москва, Тошкент, Киев институтлари коллективлари ҳамкиҳатликда тузган бош схема юксак сифатли эканлигини мамнуният билан уқтириб ўтдилар.

(ЎзТАГ).

НУРМУҲАММАД ТАРАКИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Нурмуҳаммад Тараки КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан дўстона расмий визит билан 4 декабрь куни Москвага келди.

АДР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. Тараки ни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар самимий олқишладилар.

Учиш майдонида СССР Қуролли Кучларининг уч тури — қуруқлиқдаги қўшинлар, Ҳарбий—Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий Денгиз Флоти вакилларидан фахрий қоровул саф тортиб турди. Л. И. Брежнев билан Н. Тараки совет жангчиларн сафи олдидан ўтдилар. АДР билан СССР давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

Суратда: афғонистонлик меҳмонларни аэродромда кутиб олиш.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Андижонда область идеология ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети 1978 йилги ноябрь Пленуми якунларини ва Пленум материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидаги қоидалар ва хулосаларни, СССР Олий Совети ўнинчи сессияси ҳужжатларини пропаганда қилиш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар. Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди. (ЎзТАГ).

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ТЕЗРОҚ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРАЙЛИК

БЕКОБОД (Тошкент области), 4 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда шаҳар партия — хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон металлургия комбинати электр билан пўлат эритиш комплексининг иккинчи навбатини шу йил декабрь сўнгида фойдаланишга топширишни таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шу кунларда Ўзбекистон электр билан пўлат эритиш комплексининг ишга туширилаётган объектларига кўпдан одам ресурслари ва моддий ресурслар жамланганлигини уқтириб ўтдилар. Қурувчилар ва монтажчилар-нинг коллективлари, партия ташкилотлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги йўл-йўриқларга амал қилиб, қурилиш суръатини жадаллаштиришга, иш сифатини яхшилашга интилмоқдалар ва шу асосда электр билан пўлат эритадиган иккита печни, шунингдек заготовкаларни узлуксиз қуядиган иккинчи қурилмани декабрь ойининг иккинчи ярмидаёқ фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар.

Белгиланган режаларнинг ҳаммаси шараф билан бажарилиши учун, деб таъкидлашди актив йиғилишининг қатнашчилари, қурилишдаги мавжуд нуқсонларни қисқа муддатларда бартараф этиш зарур. Қурилиш-монтаж ишларидаги қолоқликни туғатиш, бригадаларнинг жадал график асосида кеча-кундуз ишлашини ташкил қилиш, одамлар ва механизмларнинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Олмалиқдаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинати ишчилари зарбдор йилни зарбдор суръатлар билан якунламоқдалар. Яқинда корхонанинг мис эритиш заводида 4-конвертер муддатидан илгари ишга туширилди. Натижада мис тайёрлаш 25 процент кўпайди.

Суратларда: 1. Заводнинг конвертер цехи кўриниши. 2. Цехнинг энг яхши ишчиларидан Н. Куксов, А. Шварцов ва мастер М. Гузайров (ўртада).

Г. Пун фотолари (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НОЯБРЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини завқ-шавқ билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумдаги ёрқин, мазмундор нутқида халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этди, эришилган муваффақиятларнинг миқёсларини кўрсатиб берди, вазифаларни ҳамда уларни амалга ошириш йўлларини белгилаб берди. Идеология ишининг муҳим аҳамияти таъкидланди, уни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси мамлакатнинг 1979 йилги плани ва бюджетини кўриб чиқиб, тасдиқлади. СССР гражданлиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва сессия қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи — коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги конкрет, жанговар фаолият программасидир. Партия ташкилотлари ана шу ҳужжатларни ўрганиш ҳамда меҳнаткашларни ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги ишни кенг миқёсда авж олдириб юборишлари лозим.

Лекторлар, докладчилар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторларга ёрдам тариқасида **КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи, СССР Олий Совети сессиясининг материаллари юзасидан ўтказиладиган суҳбатларнинг намунавий тематикаси эълон қилинмоқда.**

* * *

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми — партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда муҳим босқичдир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи партия билан халқнинг жанговар ҳаракат программасидир.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани — Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги, халқ фаровонлигини ошириш ҳақидаги партия ғамхўрлигининг ифодаси.

КПСС XXV съезди социал-иқтисодий программасини юзага чиқаришнинг ўнинчи беш йиллик уч йили мобайнидаги якунлари.

Мамлакат Шарқида территориал-ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш ва уларнинг экономикани ривожлантиришдаги роли.

Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучлари жадал суръатлар билан ривожлантирилади!

1978 йилги ўсиш учун бошланган умумхалқ жангида ютиб чиқилди! Мамлакат биринчи марта 235 миллион тонна дон ҳосили олди!

Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон галлакорларининг меҳнатдаги катта ғалабаси.

Партия билан Совет давлатининг Улуғ Ватан уруши ветеранлари тўғрисидаги янги ғамхўрлиги.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1979 йилги асосий вазифалари.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш — жуда муҳим вазифа.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тўғрисида партия ғамхўрлиги.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини ошириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг иши.

Металл, ёқилғи, электр энергия, барча материал ресурсларини жуда қаттиқ тежаш учун курашни кучайтирайлик!

Катта ва кичик ишларда тежамкорлик — ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг, ҳар бир меҳнатчининг иши.

Муддатидан илгари қурайлик, муддатидан илгари ўзлаштирайлик!

Транспорт аниқ маромда, юксак самара билан ишласин.

Чорвачилик — зарбдор фронт.

Гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш — қишлоқ меҳнатчиларининг жанговар вазифаси.

Завод ва фабрикаларнинг ёрдам хўжаликлари — қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг муҳим манбаи.

Шахсий хўжаликда чорва ва парранда боқиш — давлат аҳамиятига молик фойдали иш.

Қишлоқда яшайсанми — техникани билиб ол ва яхши кўр!

Дон, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобудгарчилигига қарши курашни кучайтирамиз.

Бошқаруввнинг ҳамма бўғинларида контроллик кучайтирилсин, масъулият ҳар томонлама оширилсин.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилишининг 25 йиллиги — мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа.

КПСС — қўриқ қаҳрамонмасининг илҳомчиси ва ташкилотчиси.

Қўриқ ўзлаштириш — социалистик даврнинг буюк зафари.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилишининг иқтисодий самарадорлиги. Ноқоратупроқ ўлка меҳнатчилари — чўлқуварлар тажрибасини ўргансинлар.

Ноқоратупроқ ўлкани обод қилиш қўриқдаги кўламда олиб борилсин.

Биринчи беш йилликнинг эллик йиллиги — совет экономикаси муттасил ривожидаги шонли босқич.

Социалистик мусобақа — меҳнатдаги муваффақиятларни кўпайтиришнинг синалган воситаси, оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг таъсирчан омили.

Ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати учун бошланган мусобақада коммунистларнинг авангардлик роли.

Коммунист — ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ташкилотчиси, оммаиинг тарбиячиси.

Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати.

Ишчилар ташаббусига — инженерлик таъминоти.

Бригаданинг беш йиллик топшириғини озчилик бўлиб бажарайлик!

«Ишчи эстафетаси» — мусобақани ташкил этишнинг муҳим формаси.

Коллективимизнинг мусобақа плани.

Ҳар бир кишининг юксак иш сифатидан — коллектив меҳнатининг юксак самарадорлигига эришайлик!

Қўл меҳнатини камайтириш ва комплекс механизациялаш учун курашни кучайтирайлик!

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштирайлик!

Ватдага вафодор бўл! Мажбурият олдингми, уни бажар!

Бугун кечагидан яхшироқ, эртага бугунгидан яхшироқ ишлайлик.

Оммо орасидан чиққан амалий ташаббуслар ва янгиликларга кенг йўл!

Қолоқларсиз ишлаш — социалистик мусобақадаги бош масала!

Илғорлар ёнида қолоқлар бўлмаслиги керак!

Илғорлар тажрибасини ўрганиш учун қатъият, фидокорлик, мардлик керак.

Илғор тажриба бизнинг коллективимизда қандай жорий этилмоқда.

Меҳнат самарадорлиги ва сифати — совет кишилари сиёсий ва ахлоқий етуклигининг кўрсаткичи.

Ғоявий-тарбиявий, ахборот-пропаганда иши — ғоят амалий, конкрет, оператив бўлсин.

Партия билан халқ бирлиги — коммунистик қурилишдаги янги ғалабалар гарови.

СССР граждани — фахрли ном!

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Москвадаги кенгаши — катта халқаро аҳамиятга молик воқеа.

Биринчи беш йилликнинг эллик йиллиги — совет экономикаси муттасил ривожидаги шонли босқич.

Социалистик мусобақа — меҳнатдаги муваффақиятларни кўпайтиришнинг синалган воситаси, оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг таъсирчан омили.

Ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати учун бошланган мусобақада коммунистларнинг авангардлик роли.

Коммунист — ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ташкилотчиси, оммаиинг тарбиячиси.

Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати.

Ишчилар ташаббусига — инженерлик таъминоти.

Бригаданинг беш йиллик топшириғини озчилик бўлиб бажарайлик!

НОТГА КЕНГ ЙЎЛ

Узбекистон касаба союзлари республика Советининг секретариати ишлаб чиқариш-экономика комиссиясининг Узбекистон ССР машинасозлик корхоналарида меҳнатни илмий ташкил этишнинг аҳволи тўғрисидаги хулосаларини маъқуллаб, уни барча область советлари ва республика комитетларига ижро учун юборди.

Машинасозлик корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этишга ўтиш соҳасидаги ишлар партия ва касаба союз ташкилотлари раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. Бу ишда илмий-техника жамиятининг бошланғич ташкилотлари, уларнинг сафида иш олиб борайтган 162 жамоатчи НОТ кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётирлар. 1970 йилда НОТ тадбирларини амалга оширишда 9 минг ходим қатнашган эди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш соҳасидаги ишлар жараёнида иш жойлари ва участкаларда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, иш жойларига хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш, нормалаштириш ва ҳақ тўлашни янада яхшилаш, илғор иш методлари ва усулларини жорий этиш меҳнат шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда. Бу борада «Компрессор», Тошкент агрегат, Самарқанд лифтсозлик, Тошкент асбобсозлик заводларининг коллективлари айниқса ибратли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Касаба союзлари маҳаллий комитетлари илмий-техника жамияти бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш планларини ишлаб чиқиш ва бажаришда фаол қатнашмоқдалар. Фақат сўнгги бир йилдагина 900 га яқин тадбир амалга оширилди. Илғор тажриба мактаблари, ишчи ва инженер-техник ходимларнинг техника билимини оширишга бағишланган курс ва семинар машғулотлари шулар жумласиндир.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИ—«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

БУНЁДКОРЛАР

Мана бир неча йилдирки, «Андижангидрострой» бошқармасининг меҳнатсевар коллективи социалистик мусобақадаги зафарлари, ишлаб чиқаришда эришаётган улкан ютуқлари билан республикамизни ва бутун мамлакатимизни мамнун қилиб келмоқда. Гидроқурувчиларнинг юксак иш сифати ва самарадорлиги учун курашн олдинги сафида 500 дан зиёд коммунист ва минг нафар комсомол бормоқда.

Баландлиги 80 метрдан ошган Андижон сув омборининг тўғони бугунги кунда коммунизмга хизмат қилмоқда. Камҳирроат дарасида бунёд этилаётган бу қўлбола денгизи Қорадарёнинг қарийб 2 миллиард куб метр оби-ҳаётини ўз сийнасига сиғдириши керак. Шу йилнинг ўзида, вегетация даври бошлангунга қадар биринчи марта 100 миллион куб метр сув тўпланди. Бу оби-ҳаётнинг ҳаммаси охирги томчисигача Фарғона водийси ҳамда қардош Қирғизистон ССР Ўш области далаларида мўл-кўл «оқ олтин» етиштириш учун сарфланди.

«Андижангидрострой» коллективининг бу катта муваффақияти республика партия ва ҳукумати томонидан муносиб баҳоланди. Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, республика қурилиш ташкилотларида кўп йиллик ҳалол меҳнатлари ҳамда Андижон сув омборини бунёд этишда фаол қатнашганлиги учун саноат корхоналари комбинатининг экскаватор машинисти Ортиқбой Бахтноҳунова, 1-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бетончилар бригадаси бошлиғи Кирилл Андреевич Калмиковга ва «Андижангидрострой» бошқармаси бошлиғи ўринбосари Герман Васильевич Цойга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилди.

Сув омборини тиклаётган қурувчиларнинг ҳозирги бутун диққат-эътибори, куч-ғайрати улкан тўғонни ва унинг ортидаги қўлбола денгизни 1979 йил вегетация давригача яна 400 миллион куб метр оби-ҳаётни жамғаришга тайёрлашга қаратилган. Мана шунинг учун ҳам сув омбори қурилишининг якунловчи босқичида барча ишлаб чиқариш участкаларида меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларини жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

1976—1978 йиллар тажрибаси барча комплекс бетончилар, қурилиш-монтаж ва айрим бошқа бригадаларни бригада пудрати асосида ишлашга ўтказиш катта иқтисодий самара беришини кўрсатмоқда. Ишни Злобин методи асосида ташкил этиш бригадаларда кам қурувчи билан қурилиш муддатини тезлаштириш, бажарилаётган иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, тайёр объектларнинг таннархини арзонлаштириш имкониятини беради. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин ташаббусининг илҳомбахш кучи нималарга қодирлигини қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади.

Ўтган йили тўғоч қурилишида иштирок этган ўнта комплекс бригададан еттитаси злобинчасига тер тўкди. Ушанда улар бажарган иш ҳажми 11,7 миллион сўмликни ташкил этди. Бу, план 179 процент адо этилди, демакдир. Бунда меҳнат унумдорлиги 15,5 процент ошиб, бир киши ўртача 22 минг 810 сўмлик иш адо этди. Ундан олдинги йилда эса ушбу кўрсаткич 19750 сўмга тенг эди. Мўлжалдаги ишлар муддатидан 119 кун олдин тугалланди. Бундан ташқари, бригада пудрати туфайли тўғон қурилиши харажати шартли равишда бир миллион сўмга арзонлаштирилди.

Злобинчи бригадаларнинг муваффақиятли ишлашида Магадан эксперименти жорий этилаётганлиги ҳам муҳим омил бўлмоқда. Бунда бригадага мастер-бригадир раҳбарлик қиляпти. Иккита бригадада эса А. Д. Басовнинг «Травмасиз ва аварияси ишлайлик» ташаббуси қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда «Андижангидрострой» бошқармаси партия, касаба союз ва комсомол комитетлари юқоридаги методларни свердловсклик бинокорлар бошлаган «Бригаданинг беш йиллик топшириғини кам ишчи кучи билан бажарамиз» деган ҳаракати билан қўшиш учун ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқмоқдалар. Шуни айтиш керакки, бошқарманинг илғор бригадалари злобинчасига меҳнат қилган ҳолда Урал бинокорларининг энг яхши хусусиятларини ижодий такрорламоқдалар. Масалан, бригададаги барча аъзоларнинг меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш йўллари ва воситаларини қидиришда қатнашиши, ҳар бир киши томонидан кунлик смена топшириқларининг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш, меҳнатнинг илғор усулларини жорий қилиш шулар жумласиндир. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли бу йил иншоот рационализаторлари ва ихтирочилари томонидан қарийб 50 та таклиф тушди. Шулардан 33 таси жорий қилиниб, камида 600 минг сўм иқтисодий самара кўриш мўлжалланмоқда.

Объектда бўлганимизда 1977 йил ҳамда 1978 йилнинг биринчи ярми натижаларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан А. П. Козодубов бошлиқ бригада ҳақида ҳикоя қилиб беришди. 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг коммунистик меҳнат бригадаси номига сазовор бўлган мазкур коллективнинг барча аъзолари жамоат ҳаётида фаол иштирок этишади. Улардан 8 киши кўнгилли халқ дружинасига аъзо. Беш нафар қурувчи касаба союз цех комитети составидан жой олган. Тўрт нафар қурувчи эса Советобод шаҳри спорт ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Бригадада ўртача ҳар бир киши бажарадиган иш ҳажми ўтган йилдагидан 9,5 процент кўпайди. Улар бунга асосан қўл меҳнати ҳажмини кескин камайтириш йўли билан эришдилар.

Ҳа, мамлакат ва республикадаги турдош ташкилотларда дунёга келган илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш Андижон сув омбори бунёдкорларига мураккаб ташкилий-хўжалик ва ишлаб чиқариш-техника топшириқларини юксак сифат билан, моддий ва ишчи ресурсларидан самарали фойдаланиш негизида ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Афсуси, қурилишда шундай воқеалар ҳам бўлмоқдаки, злобинчи бригадалар ўз имкониятларидан тўла фойдаланишга муваффақ бўлмаётирлар. Мисол учун шу йил октябрь ойи бошларида Қувасой цемент заводи қурилишга ҳом ашёни бир ҳафтадан кейинроқ юборди. Оқибатда бетон заводлари бекор туриб қолиб, қарийб 6 минг гидро қурувчи банд бўлган, ҳамма нарса ипидан-игнасигача ҳисобланган меҳнат жараёнига катта путур етди. Бахтга яраша қозир аҳвол тузатилиб, андижонлик сунъий денгиз бунёдкорлари кўзланган юксак марраии қўлга киритиш учун яна зарбдор суръатлар билан меҳнат қилмоқдалар.

Илғор тажриба ва меҳнатни ташкил қилишнинг прогрессив усули ёнма-ён бораётган коллективдаги шароит ва имкониятлар ана шулардан иборат.

Р. БУЛАТОВ.
«Узгалавдострой» ишлаб чиқариш бошқармаси ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш марказининг бўлим мудири.

Оламда нима гап

ЁРҚИН НАМУНА

Афғонистондаги Нангарҳар вилоятининг кенг тошлоқ ерларини «жажал водийси» деб аташарди. Совет ва афғон мутахассислари биргаликда яратган катта сув омбори, гидроэлектростанция ва 70 километрлик магистрал канал бу водийнинг қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги яхши қўшничилик иқтисодий алоқалари кенг ва кўп қирралидир, деб айтишди давлат иқтисодий алоқалар комитетида ТАСС мухбирига. Ҳамкорлик йиллари мобайнида СССР ёрдамида Афғонистон диёрида 120 га яқин ҳар хил саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий объектлар қурилди ва қурилмоқда.

Нангарҳар водийсидаги Жалолобод ирригация системаси шундай ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридан бири. Кобул дарёси тўғон билан тўсилди ва ҳосил бўлган сув омборидан чиқарилган каналнинг бир қисми тоғ қояларида қазилган туннелдан ўтказилди. Совет мутахассислари афғон деҳқонларига суғориш ва ўғит сепишнинг илмий системасини яратишга ёрдам бердилар. Ҳозирги вақтда мана шу янги ерларда ҳар йили ўн минглаб тонна хилма-хил маҳсулот берадиган ва экономиканинг давлат секторини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаётган фермаларда иш қизғин.

Наглудаги ГЭС, Ҳиндиқуш орқали очилган йўл Кушка — Ҳирот — Қандаҳор ўртасидаги автомобиль йўли, бир қанча металл ишлаш, химия, биноқорлик ва озиқ-овқат саноати корхоналари, шунингдек табиий газ қазиб чиқариш корхоналари Афғонистон территориясида биргаликда қурилаётган энг катта иншоотлардир.

СССР билан АДР ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашни назарда тутган бир қанча битимлар тузилган. Масалан, Совет Иттифоқининг ёрдами билан мис рудасига жуда бой бўлган Айнак конларида кон-саралаш ва мис қуйиш комбинати, Мазори Шарифда электр станциянинг иккинчи навбати қурилади, геология-разведка ишлари кенгайтирилади.

Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ўзаро фойдали негизда амалга оширилади. Кредит ва техника ёрдами эвазига Совет Иттифоқи Афғонистондан табиий газ, ривожланаётган саноат маҳсулоти, шунингдек одатдаги экспорт маҳсулоти олади.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

СССР — ҲИНДИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Совет ва Ҳиндистон жамоатчилиги шу ҳафта ичида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визитининг беш йиллигини нишонлади. Ҳиндистон матбуоти ана шу шонли сана билан боғланган тадбирларни ҳақли равишда мамлакат ҳаётининг ноябрь ойидаги асосий сиёсий воқеаси деб атамоқда. Ҳиндистоннинг ҳамма ерида ана шу йилликкга бағишланган бир мингдан ортиқ оммавий митинг бўлди, неча юз минглаб кишилар совет халқининг ҳаёти ва муваффақиятларига доир фото виставкалари, кино фильмларни томоша қилдилар.

Таниқли сиёсий арбоб, Ҳиндистон—Совет маданият жамиятининг раиси К. П. Ш. Менон ана шу тадбирларнинг кенг тус олганлиги сабаблари ҳақида гапириб, шу сатрларнинг авторига бундай деди: «Ҳинд халқи Л. И. Брежневнинг визити натижасида Ҳиндистон—Совет муносабатларини ривожлантиришда тарихан қисқа вақт ичида сифат жиҳатидан янги босқич бошланди — анъанавий тинч-тотув яшаш, мустаҳкам дўстлик, актив ва ҳар томонлама ҳамкорлик билан сермазмун бўлиб қолдики, ҳар икки мамлакатнинг яхши қўшничилик алоқалари тарихида бундай ҳолат ҳали кўрилмаган эди».

Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик Ҳиндистон учун ҳаммага ҳаётий муҳим аҳамиятга молик бўлиб келди. Ана шу ҳамкорлик Ҳиндистон саноат ишлаб чиқариши ҳажми жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда турган ўнта индустриал мамлакат қаторидан жой олишига анча катта ёрдам берди. Бизнинг мамлакатимиз Ҳиндистоннинг ўз металлургиясини, оғир машинасозлик, нефть саноатини ва бошқа тармоқларни вужудга келтиришига кўмаклашди. Ана шу саноат тармоқлари миллий экономика давлат секторининг негизи бўлиб қолди. Ҳиндистонда СССРнинг ёрдами билан 70 дан зиёд йирик объект қурилди ёки қурилмоқда. СССРнинг ёрдами билан барпо этилган корхоналар ҳозирги кунда мамлакатга нефтнинг 70 процентини, пўлатнинг 35 процентини, электр энергиянинг 20 процентини тайёрлаб бермоқда.

Совет раҳбарининг визити ҳар икки мамлакат ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни янада юксак даражага кўтарди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида 15 йилга мўлжалланган тузилган битим бу соҳада катта роль ўйнади. Ана шу битим Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити вақтида тузилган эди.

Ҳукмрон Жаната партиясининг парламент секретари Пратап Сингх қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Ҳиндистон халқи СССР билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, шунингдек ер юзида ҳамманинг бахт-саодати ва тараққиёт манфаатларини кўзлаб Осиё қитъасида ва бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида эўр ғайрат билан қилган ишлари учун Совет Иттифоқидан, шахсан Л. И. Брежневдан миннатдордир».

АРАБЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИГА ХИЛОФ ИШ ҚУРИЛМОҚДА

Вашингтонда АҚШ вакилигида ўтказилаётган Миср—Исроил сепарат музокаралари янги босқичга қадам қўйди. Миср билан Исроил ўртасидаги «сулҳ шартномаси» лойиҳасининг Америка томонидан тузиб чиқилган «муросага келтириш» варианти яқинда эълон қилинди. Шундан кейин Миср президенти Садат сепарат битимни АҚШ президенти Ж. Картер билан муҳокама қилиш учун ўзининг бош министри М. Халилни Вашингтонга юборди.

Ана шу фактларнинг ҳамма музокараларнинг қатнашчилари ва хусусан вашингтонлик «воситачилар» ана шу тил бириктиришни ниҳоясига етказиш ва унга арабларни қизиқтирадиган салобатли тус бериш учун кейинги вақтларда эўр бериб ҳаракат қилаётганликларини кўрсатади.

Шартнома лойиҳасининг авторлари шу мақсадда БМТнинг Яқин Шарқ можаросини кенг қўламда бартараф қилишга даъват этувчи маълум резолюцияларнинг лойиҳа текстида кўп марталаб рўкач қилганлар ва бу ҳужжат «Миср билан Исроил ўртасидагина эмас, балки Исроил билан унга қўшни бўлган бошқа ҳамма араб мамлакатлари ўртасида ҳам сулҳ тузиш учун асос яратиб беради» деб умид қилганликларини билдирганлар.

Лойиҳанинг американлик ташаббускорлари ихтирочилигига қойил қолиш керак. Улар Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишда Исроил томонидан босиб олинган араб территориялари — Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторининг келажаги тўғрисидаги масала каби муҳим масаланн қуруқ гаплар ва иоаниқ иборалар ёрдамида четлаб ўтиш учун кўп куч-ғайратларини сарф қилганлар.

Аммо яқинда Миср пойтахтида бу саволга жавоб берилди. Қоҳирадаги «сулҳпарварлар» Америка сенатори Р. Бэрд билан бир неча бор учрашганларида шу масала юзасидан Исроил билан олиб борилаётган музокараларни кечиктириш, яъни аслида бу масалани ҳал этишни тамомила пайсалга солиш тўғрисида Америка томонидан киритилган таклифни қабул қилишга тайёр эканлигини очиқ равшан изҳор қилдилар. Миср маъмурлари бу билан араблардан яширинча ва уларнинг манфаатларига ҳилоф равишда тайёрланаётган битим арабларга қарши қаратилганлигини яна бир марта тасдиқладилар.

Қоҳиранинг бундай хатти-ҳаракатлари қиёнатдан бошқа бир нарса эмас. Миср битим юзасидан Америка томонидан қўйилган шартларга рози бўлиш билан ўз эркинлигини муддатсиз битим доирасига қарам қилиб қўяди, ўз суверенитетини чеклаб, ўзини бошқа араб мамлакатларидан ажратиб қўяди ва араб халқларининг манфаатларига зид бўлган мавқеларни эгаллайди, дейилади Миср миллий-тараққийпарвар—сўл партияси вакилларининг баёнотида.

ЯПОНИЯДА РАҲБАРЛАР АЛМАШИНДИ

Японияда шу ҳафта ичида ўтказилган сайлов натижасида ҳукмрон либерал-демократик партиянинг раҳбарлиги ўзгарди. Партиянинг собиқ раҳбари Такэо Фукуда либерал-демократик партиянинг раиси лавозимидан кетди, шу билан бирга ҳукумат бошлиғи лавозимидан ҳам маҳрум бўлди. Анъанага мувофиқ ҳукмрон партиянинг раҳбари ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллайди. Т. Фукуданинг асосий рақиби Масаеси Охира ҳукумат бошлиғи бўлиб қолди.

Сиёсий кузатувчиларнинг кўпчилиги Т. Фукуданинг мағлубиятга учраганлиги ва М. Охиранинг либерал-демократик партия раиси лавозимига сайланганлигини аввало партиянинг собиқ раиси ва собиқ бош министрнинг ички сиёсати мансур бўлмаганлиги билан, унинг мамлакатни милитарлаштиришга қаратилган йўли билан, шунингдек унинг ҳукумати ҳал этолмаган иқтисодий проблемалар билан боғланган, деб таъкидламоқда.

«Партиянинг аъзолари ва унга ҳайрихоҳ бўлган кишилар, — деб ёзади «Токио симбун» газетаси, Фукудадан кундалик вазифаларни ҳал этишни кутган эдилар. Эндилиқда улар Фукудага эмас, Охирага умид боғламоқдалар ва Охира депрессияга барҳам бериш ҳамда одамларни иш билан таъминлаш чораларини кўради, деб умид қилмоқдалар». Газета таъкидлаб ўтганидек, Охирага катта умид боғланганлигининг сабаби яна шуки, у «Фукуданинг ошкора ҳарбий сиёсатидан фарқли ўлароқ фавқулодда ҳолат рўй беришини кўзда тутган қонунларни қабул қилиш масалаларида унча кескин бўлмаган мавқени эгаллайди».

Дарҳақиқат, Фукуда ҳукуматининг Японияни қайта қуроллантириши жадаллаштиришдан иборат ҳарбий йўли, унинг бундан кейинги даврда Япония конституциясида мамлакатнинг милитаризм йўлидан ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида белгиланган ғовларни тўғатиш борасидаги уринишлари Японий жамоатчилигининг кенг доираларини, шу жумладан ҳукмрон партиядаги оддий аъзолари ва бу партияга ҳайрихоҳ бўлган кишиларни ташвишга солиб қўйди. Жумладан, Фукуданинг Японилни ядро қуроли билан қуроллантириш имкониятлари тўғрисида айтган гаплари мамлакатда катта норозилик туғдирди. Фукуда ҳукуматининг Япония ҳарбийлари ваколатларини кенгайтириш соҳасидаги тадбирлари ва «фавқулодда ҳолатлар», яъни уруш рўй берган тақдирда шуни назарда тутиб, қонун тайёрлаш борасида унинг ташаббуси билан авж олдириб юборилган ишлар янада катта ташвиш туғилишига сабаб бўлди. Охира Фукудадан фарқли ўлароқ бу масалаларда оппозиция билан ҳамкор бўлиб, «сабр-тоқат», «эҳтиёткорлик» билан иш кўришни ёқлаб чиқди.

Сайлов арафасида молия-саноат доиралари ҳам катта роль ўйнади. Бу доиралар Фукуда ҳукуматининг мамлакатдаги депрессияни тугатиш соҳасидаги тадбирларидан, унинг молиявий ва иқтисодий сиёсатидан қаноат ҳосил қилмаганликларини билдириб, Япония сиёсатини бошқаришни Охирага топширишга қарор бердилар. Охира кўпдан буён ана шу доиралар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

М. Охира сиёсат соҳасида кўпдан буён иш кўриб келмоқда. У 68 ёшга кирганига қадар ҳукуматда ҳам юқори лавозимларни эгаллаб келди. М. Охира бу ҳукуматда савдо-саноат, молия, ташқи ишлар министри каби лавозимларда ишлади. У нейнги сайловгача ҳукмрон партиянинг бош секретари бўлди. Уни одатда кўп гап сотмайдиган ва ҳамманинг олдида ваъда беришни ёқтирмайдиган жуда эҳтиёткор сиёсий арбоб, деб таърифлайдилар. «Аммо, — деб уқтириб ўтади Японияннг Киодо Цусин информация агентлиги, — Охиранинг характерида алоҳида хусусиятлар бўлиши билан бирга, у ташқи ва ички сиёсат нуқтан назаридан бошқа консерватор раҳбарларидан кам фарқ қилади». Японияннг янги раҳбари ҳақида берилган бундай таъриф — Япония янги ҳукуматининг сиёсатида баъзи ўзгаришлар бўлиши эҳтимол тутилганида ҳам у асосан ана шу йўлдан боради, деб фараз қилиш имконини беради.

Б. ЧЕХОНИН,
С. СТОКЛИЦКИЙ,
А. БИРЮКОВ.
(ТАСС).

Оржоникидзе районидаги рўзғор буюмлари корхонасида ишлаб чиқарилаётган қумғон, лаган, коса, графин ва бошқа эсдалик буюмларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса керамика цехида тайёрланган буюмлар сифатлилиги, сержилолиги ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Суратларда: социалистик мусобақа пешқадамлари — формовкачи Э. Мусаев, рассомлар — Н. Салимова ва Ҳ.Қосимоваларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотолари.

Редакция почтасидан

◆ ЖАСОРАТ ВА ҚАРДОШЛИК ШАҲРИ

◆ САХОВАТЛИ КИШИЛАР

◆ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲИММАТИ

◆ АҲИЛ ОИЛА — ЖАМИЯТИМИЗ КЎРКИ

◆ ТЕЛЕФОН МУАММОСИ

АЖОЙИБ КИШИЛАР ДАВРАСИДА

ҚАЛБ ГАВҲАРИ

ЛАВҲА

Абдураҳим чўл манзарасига ўйчан тикилиб борарканг, Иосиф Осипович ҳақида ўйларди: Москвада ҳали тонг ёришмаган. Кўпкаватли уйларнинг бирида чироқ ёниқ. Профессору ҳамширалар операция столи атрофида. Хирургнинг дадил, аниқ кўрсатмалари эшитилади. Операция столи ёнидаги сунъий қон ҳайдаш аппарати бетўхтов ишлаб турибди...

«Қадрли доктор! Чарчагансиз, бир оз дам олинг. Сизнинг ҳеётингиз ҳали ҳуда кўп беморлар учун керак бўлади», — дегиси келарди унинг.

Тақа-тақ, тақа-тақ... Йўқ, бу энди гилдиракнинг товуши эмас, юрекнинг уриши! Ҳа, ўша москвалик профессор Иосиф Осипович Цукерманнинг енгил қўли билан қайта ура бошлаган, табиий клапанлари ўрнига сунъий, пластмасса ўрнатилган юракнинг уриши.

... Бу воқеа беш йил аввал юз берган эди. Мирзаахмедов номли совхознинг ёш ишчиси Абдураҳим Тўхтасинов юрак ўйноғи касаллигига чалиниб қолди. Тез орада юзлари, оёқлари, қўзларининг ости шишиб кетди.

Орадан ярим йил ўтиб, касаллик яна ҳуруж қилганида Абдураҳим Андижон область клиник касалхонасига йўл олди. Бу ерда ҳам беморнинг соғайиб кетиши учун врачлар барча имкониятларни ишга солдилар. Аммо натижа кўнгилдагидек бўлавермади. Эрталаб Абдураҳимнинг олдига унинг палата врачи Маматботир Отахонов ва врач Баҳодир Зулуновлар кириб келишди. Бемордан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Унча яхши эмас, — очиғини айтди Абдураҳим.

— Гап бундай, — деди Баҳодир Зулунов, — ягона чора — операция...

— Шу ердами?

— Йўқ, Москвада.

Йигирма олти ёшида юрак операциясига розилик бериш... Аммо ўзга чора йўқ эди.

Ака-ука Москвага етиб келган куни А. Н. Бакулев номидаги юрак-қон томирлари хирургияси институтида уларни биринчи бўлиб қарши олган, сухбатлашган, далда берган киши ўрта ёшлардаги, аммо сочларига оқ оралаган фан доктори Геннадий Адамович Косач бўлди.

— Операция муваффақиятли чиқармикан? — деб сўради Абдураҳим.

—Ҳавотир олманг,—деди Геннадий Адамович.

Докторлар беморларни фақат дори-дармон билангина эмас, ўзларининг ширин муомаласи билан ҳам даволашларини Абдураҳим шу ерда ўз кўзи билан кўриб, кулоғи билан эшитди. Ҳазиллашиб, икки сўзнинг бирида: «Ҳавотир олманг, буёғи яхши бўлади», деб унга далда беришарди.

— Сизни Иосиф Осиповичнинг ўзи операция қиладиган бўлди, — дейишди Абдураҳимга.

Абдураҳим чуқур наркоз олдидан таниқли профессорнинг ўйчан ва ақлли кўзларини эслаб қолди. Бу кўзларда ишонч, қатъийлик бор эди. Орадан тўққиз соат ўтгач, бемор кўзини очди. Очди-ю, ҳеч нарсага тушунмади. Унинг устида ўн ногли оқ халатли кишилар энгашган, ҳамма унга диққат билан тикилиб турарди. Абдураҳим Иосиф Осипповичнинг чарчоқ кўзларини, Геннадий Адамовичнинг меҳрибонлик балқиб турган нуроний юзини дарҳол таниди.

— Ўзингиз нафас олинг! — деди жаррох майин оҳангда.

Абдураҳим шундагина ёнида вишиллаб турган нарса сунъий юрак, яъни сунъий қон ҳайдаш системаси эканлигини эслади. Саккиз соат давом этган операцияда беҳуш ётганида уни шу «юрак» қон билан таъминлаб турган эди. Беморнинг ҳаёлига қаердадир ўқиган жумлалари келди: мен фикр юритяпман, демак тирикман!

Эртасига Абдураҳим реанимация хонасига олиб ўтилди. Бу ерда у операция тафсилотларини билди: унинг юрак клапанларидан иккитаси сунъий, яъни пластмасса клапанлари билан алмаштириб қўйилган эди.

— Энди ҳавотирланмасанг ҳам бўлади,— деди Геннадий Адамович Косач унинг кўлини қисиб. — Бундай юрак билан юз йил яшайсан ҳали.

Беморнинг тез орада батамом оёққа туришида институт коллективининг дилкашлиги ва меҳрибонлиги катта таянч бўлди. Ў ҳар бир қадамида атрофдагиларнинг ҳайрихоҳлигини, керак бўлса унинг учун яна бир эмас, ўнлаб тунларни ўтказишга тайёр эканликларини бутун вужуди билан ҳис этиб турарди.

Абдураҳим икки ой шу ерда, ундан кейин эса бир ой девомида Москва атрофидаги Переделкино деган жойда, махсус санаторияда даволанди. Сўнг юзларида илик табассум билан она қишлоғи —Мингбулоққа қириб келди.

Москвадан қайтгач, кўп ўтмай у ўзини қайноқ меҳнат қучоғига отди . Ўзининг қадрдон районги — Комсомолободда янги ташкил этилган механизаторлар тайёрлаш билим юртига ўқитувчи-мастер бўлиб ишга кирди. Ёшларга техникани ўргатди. Мана, бир неча йилдан буён район давлат страхование инспекциясида катта инспектор бўлиб ишламоқда.

Бу йил у меҳнат отпускасини Москвада ўтказди. Ҳалоскори Иосиф Осипович Цукерман билан учрашди. Профессор уни обдон текшириб кўриб, бош бармоғини кўрсатди: «Аъло, қойил! Фақат қозиғда куп жисмоний меҳнат қилма. Аста-секин ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ана унда тош кўтарсанг ҳам бўлаверади».

Тақа-тақ, тақа-тақ... Юрак уриши поезд ғилдиракларига ҳамоҳанг. Вагон деразасидан белоён Қозоғистон чўлларига тикилади. Чўл инсон қалби, инсон саховати, инсон меҳр-муҳаббати каби чексиз, белоён.

Биз ҳикоя қилган воқеа қаҳрамонлик ҳам ва одатдан ташқари жасорат ҳам эмас. У баҳодир совет кишилари ҳаётидаги оддий ва кундалик муносабатлар ҳолос. Аммо қатрада қуёш акс этгани каби бу воқеа замирида ҳам совет кишиларига хос саммимийлик, киши қалбининг гавҳари бўлмиш одамийлик, олижаноблик ётади. Ҳаётимиз аслида ҳам ана шуниси билан гўзал!

Қ. СОБИРОВ,
Андижон область Комсомолобод райони.

ГОМЕЛДАН ХАТ

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ВАТАНПАРВАР ЮРТДОШЛАРИНГИЗ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Шу кунларда Ленин орденли «Гомсельмаш» заводида бўлган киши бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади. Корхона конструкторлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, мамлакатда биринчи марта озуқа экиклари ўриб-йиғиб оладиган «КСК-100» маркали комбайн яратдилар. Унинг бир йиллик иқтисодий самараси бир миллиард сўмни ташкил этади.

Партия ва ҳукуматимиз қарорига кўра, ўтган йилдан бошлаб заводни кенгайтириш ва реконструкциялаш ишлари олиб бориляпти. Шу мақсадлар учун уч юз миллион сўмик маблағ ажратилган. Умуман, эски завод ёнида 1981 йилгача худди ана шундай улкан янги корхона қуриб, ишга туширилиши керак. Бу ишлар поёнига етказилгач, завод ҳар йили йигирма мингта «КСК-100» маркали комбайнни қишлоқ меҳнаткашларига етказиб бериш имкониятига эга бўлади.

Заводни қайта реконструкция қилиш Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилинган. Ҳозир иттифоқдош республикалардан ўттиз етти миллатга мансуб саккиз мингдан ортиқ қурувчи қалб амри билан келиб, филокорона меҳнат қиляпти. Бажариладиган ишлар кўлами ғоят кенг. Жумладан, тўққиз юз минг кубметр бетон ётқизилиши, етти юз минг кубметр темирбетон монтаж қилиниши, бир неча миллион кубметр тупроқ ишлари бажарилиши лозим.

Зарбдор қурилишга Совет Иттифоқидаги уч юздан ортиқ корхона ёрдам кўрсатмоқда, Шунингдек, бу ерда кўплаб ўзбекистонлик йигит ва қизлар ҳам меҳнат қилишяпти. Сўз — ўзбек ёшларига!

Ҳамид АБДУЛЛАЕВ — тракторчи-бульдозерчи: — Озуқа экинларини ўриб-йиғиб оладиган «КСК-100» маркали комбайн ишлаб чиқарадиган янги, улкан завод қурилишида қатнашаётганим билан чексиз фахрланаман. Бу ерда техника кўп, лекин ишчи кучи етишмайди. Шу боисдан юртдошларимга мурожаат қилмоқчиман: зарбдор қурилишга келинг! Сиз учун ҳамма нарса муҳайё этилади. Яхши ишлашингиз учун қулай шароит, кўнгилдагидек яшашингиз учун шинам ва кўркам уй-жой, маданий ҳордиқ чиқаришингиз учун маданият уйлари бор. Менинг ўзим ҳар ойда тўрт юз сўмдан кам маош олмайман.

— Ўзингиз қаердансиз, Ҳамид? — қизиқсиниб сўраймиз ундан.

— Тошкентликман, —деди у мулойимлик билан. — Газетада «Гомсельмаш» ҳақида мақола ўқиб қолдим, сўнг ўтган йили қарбий хизматдан бўшаб қайтгач. Гомелга йўл олдим. Нормани 170-180 процент қилиб бажаряпман. Яқинда менга «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвони берилди.

Қўлдош ЖЎРАҚУЛОВ— слесарь-монтажчи: — Мен Бухороданман. Оддий колхозчи эдим. Бу ерда иккита мутахассисликни эгалладим монтажчи ва электр пайвандчи бўлиб етишдим. Бригадамизда турли миллат ёшлари бўлиб, ахил яшаб, меҳнат қиламиз. Биз асосан 101-корпусни тиклаш ишларини олиб бораётирмиз. Бу корпусга янги комбайнларни йиғиш, асбобсозлик, темирпресслаш, ремонт-механика ва бошқа цехлар жойлашади. Биз ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган ётоқхоналарда яшаймиз. Самарали меҳнатдан сўнг маданият уйида мазмунли ҳордиқ чиқарамиз. Завод кутубхонасидан ўзбек тилидаги адабиётларни олиб ўқиш мумкин. Бу ерга келганимдан ғоят хурсандман...

Биз бу ерда қорақалпоғистонлик йигит Холмурод Бекниёзовни ҳам учратдик. У комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи. Унинг бригадаси уч кварталдан буён «Гомельпромстрой» бирлашмасида бригадаларо мусобақада биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Холмуроднинг ўзи Белоруссия ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Завод оғлан ёнма-ён корхона қурувчилари ва ишчилари учун янги микрорайон бунёд этилмоқда. Бу ерда сувоқчилар-бўёқчилар бригадасида бухоролик Салима Тожибоева ва самарқандлик Зинат Алимовалар ҳам меҳнат қилишяпти.

— Салима билан Зинат жуда яхши ишлашяпти. — деди бригадир Галина Бондаренко. — Нормани 140-150 процент қилиб, сифатли бажармоқда. Ишдан сўнг маданият уйига боришади. Улар бу ерда рақс тўгарагида қатнашадилар. Ҳар икки комсомол аъзоси жамоат ишларида фаол иштирок этишади.

Ҳа, улкан қурилиш майдонига айланган «Гомсельмаш» турли миллат ёшларининг қалб қўри, ғайратшижоати билан барпо этиляптики бу билан ўзбекистонлик биродарларимиз ҳар қанча фахрланса арзийди.

Е. ИВАНОВ,
Гомель шаҳри.

МАРДЛИК ҚИССАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» хотираларини ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Львов қурилиш институтида сиртдан ўқувчи студент Василий Рагузовнинг ҳалокатидан кейин ёнидан топилган мактубдаги қуйидаги жумлалар юракда ўчмас из қолдиради:

«... Фарзандларим Владимир ва Александр Рагузовларга. Азиз болаларим Вовушка ва Сашунька!

Халқимиз фаровон ва гўзал яшасин деб қўриққа боргандим. Сизлар менинг ишимни давом эттиришингизни истардим. Энг муҳими — ҳаётда инсон бўлиш керак. Азизларим, сизларни қаттиқ ўпиб қоламан. Отанг».

«Бу мактуб шахсий, оилага тегишли эди. Лекин у ҳамма тирикларга мурожаатдек бўлиб қолди».— деб эслайди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Мактуб матбуотда эълон қилингач, «Мамлакатимиздаги ўн минглаб кишилардан хатлар олинди. Василий Рагузов ва унга ўхшаш кишиларнинг ишини охиригача давом эттириш учун кўнгилларининг янги-янги отряд-лари қўриққа отланди Василий Рагузовдек отаҳқалб чўқувларларнинг издошлари бўлмиш менинг комсомол тенгдошларим ҳам Россиянинг Ноқоратупрок зоналарида. БАМда, республикамизнинг боғу бўстонларга айланган ва айланаётган чўлларида мардона меҳнат қилмоқдалар. партиянинг, халқнинг ишончини шараф билан оқламоқдалар.

Фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари ҳақида ёзилган «Кўриқ» хотираларини — мардлик қиссасини ўқиб эканман, севимли шоиримиз Ғафур Ғулом қаламига мансуб машҳур сатрларни хотирлайман:

Тақдирни қўл билан
яратур одам,
Ғойибдан келажак
бахт бир афсона.[1]
Саодат инсоннинг ўз
ҳунаридир,
Тақдирнинг қудрати эмас
баҳона.

Ҳ. МУМИНОВ.
Тошкент метрополитени ходими.

1. 1966 йилги зилзила оқибатлари кўзда тутиляпти.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

ТОШКЕНТИМ

Нур дарёга интилгандек ирмоқлар
Учиб келар ҳар тарафдан қўноқлар,
Пешвоз чиқар дўст, ёронлар, ўртоқлар,
Жаҳон боғин гулчамбари — Тошкентим,
Димоқларда мушку анбар, Тошкентим!
Дўстлик қўли қудратли бир жасорат,
Бахш айлаб у ҳуснингга кўрк, тароват,
Битди буткул кўксингдаги жароҳат,[1]
Метин чидам, эўр паҳлавон, Тошкентим,
Мўъжизаси элга аён, Тошкентим!
Бир бор еган унутмайди ноннигни,
Зар сувингни, «оқ олтин»ниг, қонингни,
Саховатинг — оламга эҳсонингни,
Муҳаббатинг нурин сочган, Тошкентим,
Дўстга юрак кўрин очган, Тошкентим!
Шарқ кўкининг лозуллаган машъали,
Ўзбекистон пойтахтисан, сайқали,
Қоқ сийнангда улуғ Ленин қайқали,
Қалбинг мудом тонгдай уйғоқ,
Тошкентим,
Истиқболинг нурдай порлоқ, Тошкентим!

Ҳидир МУРОДОВ.
Бухоро область Ромитан районидаги Абу Али ибн Сино номли 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТУН ҚЎЙНИДАГИ ЖАСОРАТ

Репортаж

Атроф сиёҳранг тун қўйнида. Кенг асфальт йўлдан борар эканмиз гуруллаган мотор овози эшитилади. Иккинчи йўлда чарақлаб турган чироқлар кўзга ташланиб турибди. Дала машъалалари томонига яқинлашмоқдамиз. Пахта тозалагич варахалар юксак унум билан ишламоқда.

Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг пахтакорлари шу долзарб кунларда ишни икки сменада ташкил этишган. Зарбдор группалар тузилиб, улар ҳар дақиқадан унумли фойдаланишяпти. Машъалалар ёқиб иккинчи сменада меҳнат қилаётган зарбдорлар иши билан танишдик ва суҳбатлашдик.

— Мана, бир неча кундирки кундузи терилган подборлар қуритилиб, иккинчи сменада агрегатлар ёрдамида тозаланиб ўз вақтида пахта пунктларига жўнатилмоқда, — деди илгор бригада бошлиғи Ғайбулла Бердиев.

— Ишни икки сменада ташкил этганимиз яхши самара бермоқда, — дея суҳбатга қўшилди пахта тозалаш агрегатининг капитани Райимқул Раҳмонов. —Чунки терилган подборларни бир дақиқа ҳам ёғин-сочинга қолдириб бўлмайди. Пахта ғоннимиз, республикамиз шоншуҳрати. Айниқса, Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» хотиралари эълон қилиниши биз пахтакорларни янги ғафарларга чорламоқда.

— Одоқалб дала машъаллари Нурмуҳаммад Аҳмаджонов, Сундор Норқўзиев, Абдулла Тўхтабоев, Эргаш Ҳайитов, Асдулла Абдурахмоновларнинг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик хирмони тобора юксалмоқда, — дейди колхознинг бош агрономи Алишер Жўлмуҳаммедов.

Тунги сменада 20 та пахта тозалаш агрегати юксак унум билан ишламоқда. Кўрак узиш механизмларининг капитанлари Маҳмуд Султонов, Ибороҳим Мирзабеков ва чевар теримчилар Зиннат Мирзараҳимова, Санобар Бердиева, Янглиш Анорбоевларнинг ғайрати ва шижоати туфайли кўпроқ пахта ва подбор теришга эришилаётир.

Дам ганимат. Ҳали катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир қисми эгатларда, чаноқларда турибди. Пахтапарварлар кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳосилни пешма-пеш териб олишяпти. Шу туфайли хўжалик хирмони кун сайин юксаляпти. Уларнинг мардонавор меҳнатлари республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатига амалий жавобларидир.

Дарвоқе, дақиқа ва олтин. Қайси бири қадрли ва қайси бири қиммат? Дақиқалар бўладики, уни олтинга ҳам тоғиб бўлмайди...

Вараха машиналари ишлаётган асфальт йўлкалар тунги жасорат майдонларига айланган. Бу майдонлардан тун бўйи одам аримайди. Колхоз раиси М. Номозов, партия ташкилотининг секретари М. Шавқиевларни бу ерда тез-тез учратиш мумкин. Бўлажак қаҳрамонлар, асл меҳнат кишилари мана шу ерда синовдан ўтаётган кўринади. Колхозда бундай майдонлар 18 жойда ташкил қилинган. У ерларда ҳам варахалар ишлаб турибди. Мингдан зиёд теримчининг кун бўйи терган тонна-тонна чаноқлари шу еврлада тундан тонгга қадар оппоқ пахтага айланиб. тележкаларда қабул пунктларига йўл олади.

Ярим тунда бу ердан қайтар эканмиз, варахаларнинг чўл бағрида қўнган аэропландек гуруллаши қулоқларимиз остида жаранглаб турарди. Гурулла мотор, «оқ олтин»имиз янада кўпайсин. Олтиндан қиммат дақиқалар қўлдан кетмасин.

Камол УБАЙДУЛЛАЕВ,
Гулистон райони.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АСАЛ ҚОВУН... КАСАЛ ҚОВУН...»

Газетамизнинг шу йил 18 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақолада Тошкент шаҳар бозорларида сотилаётган қовун ва тарвузларнинг сифати масаласи кўтарилган эди. Жумладан, шаҳар бозорларига бемаза, дорига бўккан попиз маҳсулотлари келтирган ва қовун деса, кўзига даста-даста пул кўринадиган, пахтага деб олиб келинган тоннилаб солитрани ўмариб полизига оқизган баъзи бир «деҳқонлар»ларнинг қилмишлари очиб ташланган эди.

Ушбу танқидий мақола юзасидан Мирзачўл, Бекобод районлари партия комитетларидан қуйидагича жавоб олинди.

МИРЗАЧЎЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: мақола район партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Полиз экинларини етиштиришда минерал ўғитлардан фойдаланиш устидан бўш назорат ўрнатилганлиги учун «Тошкент» совхози директори А. Калдибоев ва партия комитетининг секретари Б. Умирбековлар қаттиқ огоҳлантирилдилар ейдбор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Район халқ контроли комитетига, ички ишлар бўлими ва санитария-эпидемиология станциясига полиз маҳсулотларини реализация қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

БЕКОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: мақола Ленин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди.

«Асал қовун... касал қовун...» сарлавҳали мақола районнинг барча хўжаликларида муҳокама қилинди. Колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг диққати минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш ва сарфлашга қаратилди.

ПИРИ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

ЎНТА БЎЛСА, ЎРНИ БОШҚА...

Зубайдахон Мастурахон аянинг иккинчи келини. Ўзи бухгалтер бўлиб ишлайди. Зубайдахон қайнонасига меҳрибон, қайнисингилларига ғамхўр. Шу қовлига тушганига уч йилдан ошган бўлса, ҳеч кимга ёмон гапирган йўқ. Аксинча қайнисингиллари йўқлигида уларнинг ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилади. Қайнонасининг ёнига кириб, унга кўмаклашади.

Шунинг учун бўлса керак, Мастурахон аяга Зубайдахоннинг йўқлиги дарҳол билинди. Кечагина ўғли Мўминали Яйпандан уй олиб, Зубайдахонни ҳам олиб кетганди.

Мастурахон ая Назореванинг ўн фарзанди бор. «Ўнта бўлса ўрни бошқа», деганлари шу бўлса керак-да. У фарзандларининг ақлли ва одобли, ўқимишли бўлиб ўсаётганидан, жамият учун нафлари тегаётганлигидан хурсанд.

Аянинг турмуш ўртоғи Турдали ака Назаров босиб ўтган йўл фарзандлари учун ибратли. Даставвал оддий ишчи бўлиб ишлади. Кейинчалик устачилик қилди. Уруш бошланганда кўнгиллилар қатори ска-Затан ҳимоясига отланди. Болаларимиз, халқимиз тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечирсин, деб жон олиб, жон берди. Қон кечиб жанг қилди.

Уруш тугаб, тинч ҳаёт бошланди. Турдали ака Крупская номли мактабда ишлай бошлади. Шу-шу ҳамон мактабда. Уни гоҳ мактаб ҳовлисида, гоҳ қишлоқ Советида бирор ташвиш билан юрганини кўрасиз. Агар Турдали акага ҳазиллашиб, дамингизни олсангиз бўлмайдими, десангиз борми, шундай пайтда уйда ўтириб бўладими, деган жавобни оласиз.

Мастурахон ая ва Турдали акаларнинг тўнгич фарзанди — Раҳмонали Охунбобоев қишлоқ Советидаги Крупская номли мактабда директор ўринбосари бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Санталатхон эса Яккатут шифохонасида ҳамшира. Уларнинг тўрт нафар ширин-шакар ўғил-қизлари бор.

Мўминали эса район партия комитетининг инструктори. Келини Зубайдахон бухгалтер. Бир фарзандининг ота-оналари. Мухторали Фарғона политехника институтини тамомлаб, шу ерда ўқитувчилик қиляпти. Маҳфузахон химия фанидан ёш авлодга билим беради. Манзурахон ва Нурапилар студент. Имомали, Маҳмудахон, Дилфузахон, Заферҳонлар ҳам опа-акалари изидан бораётирмоқда. Улар ҳозир Крупская номли мактабнинг аълочи ўқувчилари.

Мастурахон аянинг пенсияга чиққанига ҳам икки йилдан ошиб қолди. Лекин у ўйда ўтиргани йўқ. Ҳали ҳам эркин меҳнат қучоғида.

— Замонамизнинг фаровонлигидан, фарзандларимнинг бахтли ҳаёт кечираётганидан, ўзим ва турмуш ўртоғимнинг бугунги кунда пири бадавлат ота-она бўлганимиздан беҳад миннатдорман, — дейди Мастурахон ая. — Истагим шуки, турмушимиз бундан ҳам яхшиланаверсин.

Нозима АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон район «Пахтакор» газетаси ходими.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

БЕШ ЭГИЗАК

«Етмиш биринчи йилда матбуотда бир қизиқ хабар тарқалган эди: Польшанинг Гданьск шаҳрида беш эгизак туғилганди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси ҳаётми? Бу ҳақда бирор хабар борми? (Т. Абзалов, Р. Ирисова ва бошқалар. Сирдарё области).

— Польшада нашр этиладиган «Польское обозрение» журналида яқинда шу ҳақда тўла маълумот босилди. Журналда ёзилишича, ҳозир Адам, Роман, Петр, Агнешка ва Евалар етти ёшда. Улар давлат томонидан берилган уйда, Гданьскда яшашади. Эгизаклар туғилган кунларидан бошлаб, Гданьск медицина институтининг доценти Мария Каминская кузатуви остида медицина кўригидан ўтиб турадилар. Доцент М. Каминская психолог Марта Богдановичнинг бирга-ликда болаларнинг жисмоний ва психик ривожланиши муаммоси билан шуғулланувчи мутахассислар учун қимматли ҳужжат бўлиб қоладиган илмий материал тўпламоқда. Рихертлар оиласига польшалик ва чет эллик педиатрлар ҳамда психологлар тез-тез келиб туришади.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, эгизаклар нормал ўсишмоқда. Бўй-бастлари ёшларига монанд. вазнлари эса тенгдошларинкидан бироз камроқ. Ақлий жиҳатдан ривожланиши эса, нормадан юқори. Бешаласи ҳам мустақилликни ёқтиришади. Беш эгизак пианино чалишни ўрганишяпти. Айниқса, Ева билан Петрда музикага иштиёқ катта. Агнешка уй машғулотларини кўпроқ ёқтиради. Адам касб-ҳунарга қизиқса, Роман расм чизишни, коллекция тўплашни яхши кўради. Роман катта акаси Кшиштоф (эгизакларнинг яна икки акаси — ўн уч ёшли Кшись ва ўн икки ёшли Януш бор) билан почта маркалари ва самолётлар моделини тўпламоқда.

Кичкинтойлар бу йил мактабга боришди. Шуниси диққатга сазоворки, Рихертлар оиласи Чехословакия, Дания, Совет Иттифоқида яшовчи кўп эгизакли оилалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Яқинда Гданьскда, Рихертлар оиласида Дания ва Чехословакиядан келган тўрт эгизакли оила меҳмон бўлди.

СИМНИ КИМ УЛАЙДИ?

Юнусобод массиви кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш йўлида беқиёс катта ишларни амалга оширмоқда. Б-1 микрорайонининг телефонлаштирилиши ҳам ана шундай ғамхўрликнинг ифодасидир.

Афсуски, бинойидек ишлаётган беминнат дастёр тўсатдан гунг бўлди, қўйди. Суриштирсак, 27-қурилиш бошқармасига қарашли 2-уй қурилиш комбинати билан «Ўзэлектромонтаж» трестининг область монтаж бошқармаси авариянинг сабабчилари экан. Электр симёғочларига чуқур қазилаётганда, телефон сими узилиб кетган. Шундан кейин сарсонгарчилик бошланди. Комбинатнинг участка бошлиғи М. Дўстматов «Айб чуқур ковлаган экскаваторчида», дейди. Шаҳар телефон станциясидаги масъул ўртоқлар эса «Симни ким узган бўлса, ўша улайди» дейишди. Хуллас, сансалорлик, қоғозбозликдан нарига ўтилмади. 200 га яқин абонент эса салкам беш ойдан бери телефонсиз ўтиришди.

Телефонимиз хусусида ёрдам сўраб, мурожаат қилинган ташкилотлар сони ортиб бормоқда. Юнусобод массивнга хизмат қилувчи 24-АТСга (бошлиғи С. Аъзамов, бош инженери Г. Шукин), область монтаж бошқармасининг бош инженери Е. Перфилов ва бошқа ташкилот раҳбарларига қилган илтимосларимиз ҳамон оқибатсиз қолиб келаётир. Ҳурматли редакция, беш ойдан буён ҳал бўлмаган бу жумбоқни ким ечиб бераркин.

С. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
республика газлаштириш бош бошқармаси ходими.
Р. КАРИМОВ,
Низомий комидаги Тошкент педагогика институти ўқитувчиси.
И. ВАСИЕВ,
Фрунзе район халқ судининг судьяси.

* * *

Ушбу материал босилаётганда редакцияга кабелни ўзиб юборган ташкилотдан кўрилган зарар ундирилгани ва 3-4 кун ичида телефон сими улашнини маълум қилишди. Арзимаган ишни беш ойгача чўзиб келган айрим алоқачиларга ҳайронмиз. Бунга Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги нима деркин?

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ШИНАМ УЙЛАРДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Якутскда тўққиз қаватли бинолардан иборат биринчи микрорайонда қурилган сўнгги уйга кўпгина оила кўчиб кирди. Шинам квартираларда кишиларни қаҳратон совуқ ва шимолнинг қаттиқ шамолларидан пухта ҳимоя қилиш учун барча қулайликлар кўзда тутилган. Биноларнинг деворлари қалинлаштирилган, рамалари уч қаватли, иссиқлик изоляцияси пухта ишланган.

Бу йил автоном республика пойтахтида салкам бир минг оила янги уйларга кўчиб ўтади. Бу ерда бир йил ичида шунча миқдордаги уй-жой биринчи марта фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш индустрлаштирилганлиги ва орёллик бинокорлар усулида узлуксиз қуришга ўтилганлиги ишлар суръатини кескин кучайтиришга ёрдам берди.

РЕЗЕРВЛАР ИШГА ТУШИРИЛГАЧ

Одесса областининг Раздельня райони хўжаликлари илғорлар сафига ўтди. Бу хўжаликлар экин майдонларини кенгайтирмаган, қўшимча ресурсларни жалб этмаган ҳолда бу йил ўтган йилдагидан бир миллион сўмлик кўп маҳсулот етиштирдилар. Область партия комитетининг сайёр комплекс бригадаси фойдаланилмаётган резервларни очишда, уларни ишга туширишда қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам берди.

Олимлар, экономистлар, қишлоқ хўжалигининг етакчи мутахассислари, партия ходимларидан иборат бригада аъзолари ҳар бир хўжаликнинг, хўжаликдаги ҳар бир тармоқнинг ишини синчиклаб анализ қилдилар. Очиқ партия йиғилишларида қолоқликка барҳам бериш тадбирлари бригаликда белгилаб олинди. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига коммунистлар бошчилик қилдилар.

Коммунистлар меҳнаткашларнинг ўқиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар. Кўпгина хўжаликларда илм-фаннинг энг янги ютуқларини ўрганиш юзасидан семинарлар ташкил қилинди. Маҳсулот таннархини пасайтириш, иш вақтининг зоя кетишини қисқартириш масалалари коммунистик меҳнат ва илғор тажриба мактабларидаги машғулотларнинг мавзуси қилиб олинди.

Сайёр комплекс бригадалар — Одесса область партия комитетининг қишлоқдаги таъсирчан иш формаларидан биридир. Ўтган йилнинг охирида тузилган бу бригадалар ҳозиргача областдаги районларнинг ярмидан кўпроғида бўлиб, хўжаликларга катта ёрдам бердилар.

ҚУРИҚ ЕР ТУПРОҚЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг олимлари республика чўлларининг ер ресурслари энциклопедияси устида олиб борган ишни ниҳоясига етказдилар. Бу — Урал билан Иртиш ўртасидаги жуда катта ўлканинг тупроқ ҳаритаси, шунингдек ҳар бир қўриқ областнинг ери тўла таърифлаб берилган бир туркум монографияларидан иборатдир.

Бу иш очилган қўриқда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун катта амалий аҳамиятга эгадир. Жумладан ўн миллион гектардаги шўрхок ерларни яхшилашнинг самарали системаси таклиф қилинди. Бу ерларда озуқа экинлари етиштирилиб мол боқилади. Бундан ташқари шўрхок ерлардан амалда фойдаланиш хўжаликларнинг бўғдой экиш учун кўпроқ унумли ерларни ажратишларига имкон беради.

Қўриқ ер тупроқларининг энциклопедияси суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Олимларнинг кўп йиллик тажрибалари шуни кўрсатдики, ёзги қурғоқчилик вақтида буғдойзорларни ёмғирлатиш машиналари ёрдами билан вақтивақтида суғориб туриш дон ҳосилдорлигининг тектар бошига қирк-эллик центнергача оширилишини таъминлайди.

Қўриқ массиваларининг тупроғининг состави ва структураси хусусиятларини комплекс ҳисобга олиш асосида бу массивларнинг ҳар бири учун энг мақбул суғориш режими белгиланади. (ТАСС).

Қўқон шаҳридаги «Узбекистон 40 йиллиги» номли турар-жой массивида сабзавот ва мевалар сотишга ихтисослаштирилган магазин ишга туширилди. Бу ерда харидорларга барча қулайликлар мавжуд.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

Рўйхатга олишга шаймисиз?

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

КРАСНОГВАРДЕЙСК. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Кейинги йилларда узумчилик-мевачиликка ихтисослашган Булунғур райони экономикасида, маданияти ва ишлаб чиқариш жараёнида катта ўзгаришлар рўй берди. Район маркази ҳисобланган Красногвардейск поселкаси шаҳарга айлантирилди. Шу муносабат билан янги массив, кўп қаватли уй-жойлар қад кўтарди. Обод асфальтланган кўчалар бунёд этилди. Аҳоли яшайдиган хонадонлар кўпайди. Районнинг Килдон зонасида Самарқанд консерва заводи ва Красногвардейск вино комбинатининг филиаллари қурилиб, ишга туширилди. Буларда кўплаб ишчилар меҳнат қилмоқда. Ана шулар туфайли Булунғурда 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ва инструкторлик участкалари ўтган даврдагидан анча ортди. Янгидан бир неча жойда рўйхат бўлимлари ва инструкторлик участкалари ташкил топди.

Район статистика идорасининг ходимлари жойларда тузилган аҳолини рўйхатга олишга кўмаклашувчи комиссиялар билан ҳамкорликда ташкилий тадбирларни пухта амалга оширмоқдалар. Шаҳар ва олтита қишлоқ Советлари қошида ташкил топган рўйхатга олиш бўлимлари зарур бинолар, мебеллар билан таъминланиб, телефон алоқаси ўрнатилди. Ҳар қайси бўлимга шаҳар ва қишлоқлардаги тажрибали, малакали иқтисодчилар, ўрта мактабларнинг директор ва илмий бўлим мудирлари масъул қилиб бириктирилди. Рўйхатга олувчи асосий кадрлар ва ҳисобчилар танлаб бўлинди. Рўйхатга олиш бўлимлари ва инструкторлик участкаларига 44 киши танланди ва тасдиқланди. Улар билан семинар-кенгашлар ўтказилди. Рўйхат варақаларидаги саволларни тўғри тўлдириш, аҳолининг механик ва табиий ҳаракатини алоҳида ҳисобга олиш қонда-тартиблари ўрганилди.

Тўхтамурод Тўрақулов аҳолини рўйхатга олишнинг ўтган кампанияларида актив қатнашиб, тажриба орттирган рўйхатчилардан ҳисобланади. У яна Килдон участкасига бош рўйхатчи қилиб тайинланди. Инструктор-контролёрнинг ташаббуси билан бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг адреслари аниқлаб чиқилди. Кўчаларнинг номлари, ҳовли-жойлар ва кварталларнинг номерлари тартибга солинди, аҳолини жорий ҳисобга олишнинг тўлалиги ва тўғрилиги текшириб кўрилди. Инструктор-контролёр Азамат Йўлдошев, Ҳамид Пардаев, Ҳаким Толибов кабилар ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Шаҳар ва райондаги аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ва инструкторлик участкаларида ҳаммаси бўлиб 300 киши, шу жумладан 196 ҳисобчи иштирок этади. Шу кунларда улар район статистика идорасидан тегишли йўл-йўриқ олиш билан, жойларда рўйхатнинг мақсад ва вазифаларини, унинг сиёсий ҳамда халқ хўжалигидаги аҳамиятини кенг пропаганда қилмоқдалар, маҳаллаларда ва қишлоқларда оммавий тушунтириш ўтказмоқдалар. «Билим» жамиятининг аъзолари, партия, совет, комсомол активлари, маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари рўйхат ҳақида лекциялар ўқимоқдалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар, радио ва район газетаси орқали чиқиш қилмоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи-кондитер-кассирларини тайёрлайди.

Ўқиш — 1 январдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ВА 2 ЙИЛ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган 8, 9, 10 синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНСУЛЬТАНТ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЁР-КАССИР» ДЕГАН МАЛАКА УНВОНИ БЕРИЛАДИ.

Ўқувчиларга 32 сўм стипендия берилади, етим қолган болаларга, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИЛҒОР МАГАЗИНЛАРДА: БОШ УНИВЕРМАГ ВА «ГАСТРОНОМ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИГА ҚАРАШЛИ ЯРИК МАГАЗИНЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдо бўлимининг дирекциясидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент-173, Чилонзор массиви, Бобир кўчаси, 3-уй, (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота», 13, 70-автобусларнинг «Медицина тез ёрдам касалхонаси» бекатлари). Телефон — 78-44-30.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

формовкачилар, қирқувчилар, слесарь-йиғувчилар, ремонтчилар, асбобсозлар; электргазпайвандчилар, фрезерчилар, токарлар, хромловчилар, пардозловчилар, темирчилар, штамповкачилар, электромонтёрлар, электр пайвандчилар.

Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчилар, тўқувчилар, съёмкачилар, текисловчилар, лентачилар, тароқ таровчилар, калава ўровчилар, ўровчилар, таровчилар, йигирув ва тўқув ишлаб чиқариши мастерлари ёрдамчилари, электромонтёрлар.

Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 158-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

гишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, бетончилар, дипломли пайвандчилар.

КЕРАК

Елгиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адреслар:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Чилонзор район пункти — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Фрунзе район пункти — Ш. Рустадели кўчаси, 38-уй.

Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. Икромов район пункти — 22- квартал, 13-уй.

Сергели район пункти — райисполком, Совет Армияси майдони.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР 22- ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: ДУРАДГОР, ПАРКЕТЧИЛАР, СУВОҚЧИ-БУЁҚЧИ (ўқиш муддати 1 йил); Аврим группаларда — ҚУРИЛИШ БУЁҚЧИЛАРИ ПАРДОЗЛОВЧИ-ПЛИТАЧИЛАР, ҚУРИЛИШ ДУРАДГОРЛАРИ (ўқиш муддати 3 йил).

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва билим юртини тугатганлиги ҳақида диплом олади.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳар ташқарисидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Қурилиш объектларида амалий машғулотлар ўтказиладиган пайтларда ўқувчиларга 33 процент иш ҳақи тўланади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тамомлаган йигит-қизлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртидаги ўқув устахоналари, фан кабинетлари замонавий техника воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, медицина справкаси.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй.

САХОВАТ

Оппоқ нур мавжида товланар олам,
Пахтакор қалбидек сержилo, жўшқин
Сафарбар бонгларин урмиш дам-бадам
Терим жангин куйи қайноту тошқин.
Пахтакор кўркию шаъни эмасму,
Жилваланиб урган майин толалар
Толаларда диллар кўри намоён —
Жўръату фаросат, тадбиркорлик ҳам
Унда юртнинг фахри этилмиш баён
Фароғат, шодонлик масрурликлар жам.

Басти зар тоғларнинг нурафшонлиги
Порлоқ пешаналар ёруғи, бешак
Ҳар пахтакор шонин бир жаҳонлиги
Заршунос ўлканинг довруғи бешак.
Баҳрада қуёшдан каммас пахтакор,
Саховат кўкида порлаган офтоб.
Ахир, саховатдан мўътабар не бор!
Ҳар пахтакор умри бир заррин китоб.
Шу улкан заркорнинг дурдонасидан—
Еру кўкин оппоқ безатиш мумкин.

Элларни — элларга боғлар ҳар тола
Турмуш ҳам фаровон, дастурхон тўкин.
У мадад мурувват меҳрдан нишон,
Бирнга бири эш қалблар қўрида
Пахтакор диёрнинг жамолин сездим
Тақдирдош, томирдош эллар умрида,
Пахтакорнинг ҳиммат нафасин сездим.
Шу боис қалбимни тинчитмас бир зум,
Яловдор деҳқонинг уйган ҳикмони.
Шарафига тинмай қўшиқлар айтгум
Қўшиғимда буюк зафарн шони.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

„ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР“

«Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида истеъдодли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар[1]» деган романи эълон қилинди.

Бу роман тўғрисида фикр юритганда, аввалам бор, ёзувчи ўз зиммасига ниҳоятда мушкул ва мураккаб вазифа юкланганини қайд этмоғимиз лозим. Чунки Бобир тарихимиз саҳифаларидан ўрин олган улкан ва мураккаб сиймолар орасида энг зиддиятли образлардан биридир. Унинг ҳаёти оғир ва мураккаб воқеалардан, босиб ўтган йўли тиконли сўқмоқлардан, хатарли чоҳлардан иборатдир. Бобир, бир томондан, адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган тиниқ лирик шеърлар, халқимиз қалбида абадул-абад қолган гўзал ғазаллар муаллифи бўлса, иккинчи томондан, тожу тахт учун бобоси Амир Темир салтанати учун бетиним курашган подшоҳ ва яна бир томондан Ҳиндистонни забт этиб, у ерда сал кам уч юз йил ҳукмронлик қилган улуғ мўғуллар сулоласига асос солган («Улуғ мўғуллар» ибораси инглиз буржуа олимлари томонидан чалкаш киритилган иборадир) қайсар фотиҳ қамдир. Бу деган сўз, агар ёзувчи Бобир ҳаётининг фақат бир томонини, айтайлик, ижодий фаолиятини ёқуқ инсон сифатида чеккан изтиробларини ёритиб, бошқа томонларини, хусусан шоҳ ва фотиҳ сифатида йўл қўйган хатоларини ҳаспўшлаб ўтса — у на давр руҳини тўғри акс эта олар, на Бобирнинг ҳаққоний реалистик образини ярата олар эди. «Юлдузли тунлар» романи шундан далолат берадики, Пиримқул Қодиров бу нозик муаммоларнинг ҳаммасини ҳисобга олишга ҳаракат қилган ва асосан бунинг ўдасидан чиққан.

Роман Бобирга боғлиқ воқеалардан эмас, бек ва шоҳларнинг тожу тахт учун олиб борган тинимсиз урушларидан, қатл-қиргинларидан чарчаган Тоҳир, Робия ва Фазлиддин каби оддий кишиларнинг турмуши, севгиси, орзу-ҳаваслари, ўй-фикрлари тасвиридан бошланади. Зотан, романнинг илк саҳифаларидан асарга кириб келиб, китобнинг сўнгги саҳифаларигача ҳаракат қиладиган, тақдирлари ўша замон билан чамбарчас боғланиб кетган бу образлар ёзувчига халқ оммаси турмушини кенг ва атрофлича тасвирлаш имконини берган, дейиш мумкин.

Фикримизча, Бобир образига боғлиқ бўлган мураккаб вазифаларни тўғри ҳал қилиш учун ёзувчи, аввалам бор, бу образни тўғри ва атрофлича ёритиш имконини берадиган бир нур, бир фокус топиши керак эди. Пиримқул Қодиров шу нурни топганми? Фикримизча, топган. Бу нур шундан иборатки, ёзувчи Бобир образи, Бобир шахсини, биринчи навбатда, фожиали образ, қонли феодализм даврининг бешафқат қуюнига тушиб қолган фожиали бир шахс сифатида талқин қилган.

Ўн икки яшар Бобир отасининг тасодифий ва фожиали ўлимидан кейин Андижон тахтига ўтиради. Аслини олганда, Бобир тахтга ўтирган бу кун унинг ҳаётидаги энг қора кунлардан бири эди, чунки шу кундан эътиборан у узлуксиз кураш, ғиғо, сарой фисқи-фасодлари гирдобига тушади ва бу гирдобдан уни фақат ўлим, йироқ Ҳинд тупроғида келган ажалгина қутқаради. Ёзувчи Бобир ҳаётини кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил батафсил ёритиб бораркан, шоир шаҳсидаги диалектик қарама-қаршиликни сира эсидан чиқармайди. Бобир, бир томондан, ўз ақл-заковати, шоирлик истеъдоди, инсоний фазилат ва камчиликлари билан ўз даври, ўз замондошларидан бир неча поғона баланд кўтарилган бир шахс бўлса, иккинчи томондан, ўз даври, ўз синфининг энг тўлақонли, етук вакилидир. Шунинг учун ҳам ўша даврнинг феодал синфига хос бўлган ҳамма қусурлар, шу жумладан, чексиз ҳокимиятга, тожтахтга, бойлик ва зеби-зийнатга интилиш қусури Бобирда ҳам мавжуд. Тўғри, Бобир ўз давлатини кенгайтириш ниятида бобоси Амир Темир пойтахти бўлган Самарқандни эгаллаш учун курашаркан, бу курашни мамлакатни бирлаштириш, юртни тинчитиш ва обод қилиш истаги билан оклаётгани бўлади. Лекин объектив ҳақиқат шундан иборатки, Бобир мирзонинг яхши ниятлари билан бошлаган бу курашлари эл-юртга тинчлик ва осойишталик эмас, балки янги офат, янги қатлу-қиргинлар келтиради. Буларнинг ўз виждони олдида изтироб чекади, лекин тахт ишқида ёнган юрак ақл-заковатдан устун келади: сал ўтмай бу истак оловида қовурилган Бобир ўз эли, ўз юрти устига инсон тарихидаги энг мудҳиш қора кўлагаларидан бири Исмоил қизилбош лашкарларини бошлаб келади... Бобирнинг ўз эли олдидаги бу айби интиқомсиз қолмайди. Халқ ундан юз ўгиради ва у ўз юртини тарк этишга мажбур бўлади. Бу оғир, фожиали дамлардан эътиборан, Бобир она-Ватанидан тоабад жудо бўлади. Рост, ҳаётидаги бу аччиқ сабоқдан кейин у бирмунча ҳушёр тортади, кўп ўйлайди. Ижод билан кўпроқ шуғулланишга, Қобулни ўзига пойтахт қилиб, атрофига шоирлар, санъаткорлар, олимларни тўплашга уринади. Лекин қонидаги ҳокимият истаги яна устун келиб, уни Ҳиндистонга лашкар тортиб боришга ундайди.

«Юлдузли тунлар»да тасвирланган воқеалар хронологик тарзда кечади. Роман салкам қирқ йиллик даврни ўз ичига олган. Бу эса воқеаларни «тартибга солишда» анча қийинчиликлар туғдирган. Ҳар ҳолда, шу сабабдан бўлса керак, романнинг биринчи ярми бир оз салқи туюлади, воқеалари суст роқ кечади. Иккинчи ярмига ўтганда бу сокинлик йўқолиб, воқеалар ривожи шиддатли тус олади. Шунда биринчи қисмидаги суслик янада яққолроқ кўзга чалинадиким, ёзувчи роман устида ишлаганда буни ҳисобга олса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Романнинг тили равон, тиниқ. Ёзувчи давр колоритини яратиш учун бугун бир қадар эскирган сўзлар, иборалар, форс ва араб терминларидан унумли фойдаланган. Айни чоғда, ўтмиш тилини ҳозирги замон тилига анча яқинлаштирган. Бу эса романнинг равон ўқилишини таъминлаган. Лекин баъзи ўринларда бу «яқинлик» меъёридан ошиб кетганким, бу нарса даврни ҳис этишга путур етказади.

Бу камчиликлардан қатъи назар, «Юлдузли тунлар» романини тарихий романчилигимизга қўшилган янги бир саҳифа деб айтиш мумкин.

Одил ЕҚУБОВ.

[1] Пиримқул Қодиров, «Юлдузли тунлар», роман. «Шарқ юлдузи» журнали, № 4-7.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭҲМ ГАПИРАДИ ВА ТИНГЛАЙДИ

Грузия ССР Фанлар академияси бошқариш системалари институтининг олимлари ўзига «Таниш» овоз берадиган команда бажарувчи автомат системани ишлаб чиқдилар.

Мамлакатда «гапирувчи» қурилмалар ва машина тилини «тушунадиган» — электрон ҳисоб машиналарига ўзига хос қўшимча қурилманинг дастлабки намуналари яратилган. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг математика институтида одам сўзлаш аппаратига тақлидан ишланган электромеханик қурилма ишлаб турибди . У сўзларни ва гапларни аниқ айта олади. Кичик электрон ҳисоб машинаси берилган программа бўйича сўз ва гапларни унга тузиб беради. Бошқа типдаги қурилма диктор командаларини қабул қилади ва олинган топшириқларни бажаради.

Украина ССР Фанлар академиясининг кибернетика институтидаги Сибирь электрон ҳисоб машинасининг «қамкасби» айрим сўзларнигина эмас, гапларни ҳам қабул қилади. Унинг лугатида бўлган 1000 дан ошиқ сўз одам билан машинанинг бемалол сўзлашуви учун кифоя қилади.

Одам билан ЭҲМ ўртасидаги «тил ғови»ни енгиб ўтиш электрон ҳисоб техникасини қўлланиш самарадорлигини анча оширишга имкон беради.

К. ЦХОМЕЛИДЗЕ, ТАСС мухбири.
Тбилиси.

МУЗ УШОҚЛАРИ—ГУВОҲ

Эстония ССР Фанлар академияси геология институтининг олимлари ернинг қуруқлик қисмини музлик босиш цикл характерини ва шу билан боғлиқ ҳодисаларни аниқладилар.

Лаборатория ходимлари нейнги 40 минг йил ичида ер юзининг ўзгаришини кузатишга муваффақ бўлдилар. Музлик даврлари айни шунча вақтдан кейин бошланади. Тадқиқотларнинг нўрсатишича, ҳозир планетамиз ники Музлик даврлари ўртасида турибди.

Кислород изотоплари шуларни билдиради. Ёмғир томчиси ёки қор зарраси ҳосил бўлган пайтда уларнинг таркибидаги енгил ва оғир изотопларнинг нисбати атроф муҳит температурасига боғлиқ бўлади. Радиактив изотопларни қўллаб, музлик бирон қатламининг ёшини аниқлаш мумкин. Тадқиқотлар чоғида иқлимнинг ҳаттоки салгина ўзгаришлари ҳам аниқланди. Масалан, XX асрда энг иссиқ даврўттизинчи йилларга тўғри келган.

В. ХЮВА, ТАСС мухбири.
Таллин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ДЕКАБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Қиш фаслининг дастлабки ойи — декабрда ҳавонинг ойлик ўртача ҳарорати Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларининг шимолида нормага яқин ва нормадан бир оз past. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида нормадан бир оз ортиқ қолган областларда эса нормага яқин бўлади. Қорақалпоғистон АССР Хоразм ва Бухоро областлари шимолида биринчи ва иккинчи ўн кунликда ҳарорат кечалари 8—13, кундуз кунлари 3 даража совуқ бўлади. Вақтивақти билан ҳавонинг ҳарорати кўтарилиб, кечалари 2 даража совуқ билан 3 даража иссиқ оралиғида кундуз кунлари 7—12 даража иссиқ бўлади. Ойнинг учинчи ўн кунлигида бу областларда ҳавонинг ҳарорати пасайиб, кечалари 16—21, кундуз кунлари 5—10 даражага тушиб қолади.

Республиканинг қолган территорияларида ойнинг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида кечалари 0—5 даража совуқ, айрим кечалари 1—6 даража иссиқ, кундуз кунлари 0—5, айрим кунлари 10—15 даража иссиқ бўлади. Ойнинг учинчи ўн кунлигида ҳавонинг ҳарорати пасайиб кечалари 7—12, кундуз кунлари 1—6 даража совуққа тушиб қолади. Республиканинг жанубида кечалари 0—5 даража совуқ, айрим кечалари 1—6 иссиқ, кундуз кунлари 5—10, айрим кунлари эса 7—12 даража иссиқ бўлади. Бир ой давомида ёғадиган ёғингарчиликнинг миқдори 30 миллиметрдан 60 миллиметргача бўлиб, нормадан бир оз ортиқ, республиканинг шимолида 10 миллиметрдан 15 миллиметргача бўлиб, нормага яқин ва нормадан бир оз ортиқ бўлади.

Т. ТОЙЛОҚОВ, САРНИГМИнинг гидрометеорология прогнозлари бўлими мудири.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 6/XII да — **Оламнинг яратилиши**, 7/XII да **Оламнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Келинлар қўзғолони**, 6/XII да **Олтин девор**, 7/XII да **Қароқчилар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/XII да **Тошболта ошиқ**, 7/XII да **Хотиннинг эри**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР» ЯНГИ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (19.30).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, маданият ходимлари касаба союзининг Республика комитети Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Жамила Муҳаммадиёрова ТОҲИЕВАнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — «Ёшликнинг хуш овоз қуши» (спектакль) 12.30 — Литва ССР халқ артисти Э. Канява қўйлайди. 13.05 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.20 — В. Шоу. 2-қисм. 17.10 — Ёшлар адреслари. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Оламда нима гап. 19.30 — Халқ ҳанглари. 19.45 — Очилган қўриқ. 20.15 — Келин-қуёвлар. Спектакль. 21.30 — Вақт. 22.05 — Илмий оммабоп фильм. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 Революция туфайли туғилган. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 18.00 — Камалак. 18.35 — Мультфильм. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг камер оркестри чалади. 21.30 — Вақт. 22.05 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.20 — Бензоколонка малакаси. Бадиий фильм. 23.30 — Қўшиқ ҳамиша биз билан.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 20.55 — Янгиликлар.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Оммавий қўшиқлар. 9.30 — Бахтли куйлайман. 10.30 — Хор ижроси учун қўшиқлар. 11.15 — Л. Беляевский. Социализм — ҳар томонлама тараққий этган жамият. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятлари. 13.30 — Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 14.00 — Ипак пахта истиқболи. 16.10 — Ўзбекистон композиторларининг ижоди. 17.00 — Мақсуд Шайхзода ҳақида хотиралар. 18.50 — Ёшлик. 19.40 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.50 — Музикали танаффус. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Механизаторлар учун концерт. 21.30 — Ўзбек адабиёти радиоанталогияси. Ш. Рашидов. Қудратли тўлқин. Романдан парча. 22.28 — Лирик концерт. 23.20 — Дам олиш соатида.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06 БЎЛИМЛАР партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-07, 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70 халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-30, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24 ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-53-17, 32-54-28, 32-54-27 хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-33-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43, 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-69-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02838. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 277.